РССР Давлат китоб палатаси

Адолат кучли, куч эса адолатли бўлмоғи лозим

Адолат

1996 йил, 10 февраль, № 6 (45)
◆ ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ
◆ СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА
◆ Газета 1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон «Адолат» социал — демократик партиясининг газетаси

● *1996 йил — Амир Темур йили*

СОҲИБҚИРОН ДЕЙДИКИ:

Ваҳима — душманнинг йўлдоши.
Бўлар одам ёшида ҳам бош бўлар,
Бўлмас одам қирқда ҳам ёш бўлар.
Душмандан қўрқма, мунофиқдан қўрқ.
От минган отасини унутади.
Сўзлагувчи гар нодон эрур, тинглагувчи доно ўлсин.
Адоват эмас —адолат енгади.
Аввал йўлдош — кейин йўл
Бел ушлаганда отангни аяма.
Курашиб эришилмаган ғалаба ғалаба эмас.
Давлат лашкарлару фуқароларнинг садоқати ва фидойилиги-ла қудратлидир.
Ишон-аммо шубҳа қил.
Бир кунлик адолат юз кунлик тоат-ибодатдан афзал.
Ҳокимлар, сипоҳ ва раиятдан қайси бирининг халққа жабр-зулм етказганини эшитсам, дарҳол адолату инсоф юзасидан чора кўрдим.

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 8 февраль куни Индонезиянинг «Бакри групп» компаниялари гуруҳи президенти Абуризал Бакрини қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари Индонезия билан Ўзбекистон ўртасидаги турли жабҳалар, айниқса, иқтисодий соҳадаги ҳамкорлик алоқалари ривожланиб бораётганидан мамнуният изҳор этди. Бу алоқаларга Ўзбекистон делегациясининг Индонезияга ва Президент Сухартонинг мамлакатимизга ташрифи чоғида ҳуқуқий асос яратилганини қайд этди. Ислом Каримов Индонезия ҳукумати томонидан қўллаб-қувватланаётган «Бакри групп» компаниялари гуруҳининг «Ўзбектуризм» миллий компанияси меҳмонхонасини сотиб олишидан Узбекистон меҳмонхона хўжалиги обрўйи ортишини таъкидлар экан, «Бакри групп» Ўзбекистон телеалоқа тармоқларини ривожлантиришга сармоя киритиш нияти билан икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликнинг кенг имкониятларидан оқилона фойдаланишда муҳим ҳисса қўшишини айтди.

Жаноб Абуризал Бакри самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, Тошкентда «Бакри групп» ваколатхонаси очилиши режалаштирилаётганини ва бу ўзаро ҳамкорликнинг янада кенгайишига хизмат қилишини таъкидлади. Ўзбекистондаги барқарорлик ва сармоядорларга яратилган қулай шарт-шароитлар Ўзбекистон иқтисодиётига дадил сармоя киритишга ундаганини билдирди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Бош вазири ўринбосари К. Раҳимов, «Ўзбекитуризм» миллий компанияси раиси Б. Ҳусанбоев иштирок этди.



СУРАТДА: қабул пайти.

Р. НУРИТДИНОВ (ЎзА) олган сурат.

Учрашувда Индонезия Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Соекадари Хонговонгсо ҳозир бўлди.

(ЎзА).

● Узбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов бошчилигидаги делегация Давос учрашувида бешинчи марта қатнашиб келди. Жаҳон иқтисодий анжумани тадбирларини кенг ёритган Швейцария оммавий ахборот воситалари бу тадбирларда делегациямиз фаол иштирок этганини алоҳида қайд этдилар.

* * *

● Бугун тонгги газеталарда «Узбекистон-тараққиёт қутби» деган сарлавҳа остида Давос анжумани якунлари тўғрисида мақола берилган.

* * *

● Узбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов бошчилигидаги мамлакатимиз делегацияси Лозаннадан қайтиб келди. Бу ерда Халқаро Олимпия Қўмитасининг қароргоҳида Ислом Каримовга Олтин Олимпия орденини топшириш бағишланган тантанали маросим бўлди. Юртбошимиз тантанали маросимда нутқ сўзлади.

* * *

● Олий Мажлис раиси Э. Халилов бошчилигидаги Парламент делегацияси Германия Федератив Республикаси Бундестаги ва ҳукумати уюштирган «Демократия ва конституция» дастурида иштирок этиш учун Тошкентдан шу мамлакатга жўнаб кетди.

* * *

● Узбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалик вазирлигида акционерлик жамиятларининг чорва фермалари фаолиятига бағишланган йиғилиши бўлди. Уни Бош вазирнинг биринчи ўринбосари Исмоил Жўрабеков бошқарди.

* * *

● Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг моҳиятини кенг халқ оммасига тушунтириш, уларни бунёдкорлик ишларига сафарбар этиш матбуот ходимларининг муҳим вазифасидир. Шу мақсадда Президент девони ахборот марказида Солиқ қўмитаси вакиллари билан журналистлар учрашуви ўтказилди.

* * *

● Индонезиянинг «Батре групп» компаниялари гуруҳи Президенти Абуризал Бакри бошчилигидаги делегация аъзолари Вазирлар Маҳкамасида Бош вазир ўринбосари Саидмухтор Саидқосимов билан учрашди.

* * *

● Узбекистон Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида Навоийхонлик кечаси бўлди. Уни академия проректори, филология фанлари доктори, профессор, Узбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши котиби Нажмиддин Комилов очди.

Навоийхонлик кечасида академия ректори, Президентнинг давлат маслаҳатчиси Алишер Азизхўжаев иштирок этди.

* * *

● Пойтахтимиздаги Алишер Навоий ҳайкали кўкка бўй чўзган майдон шоир таваллуд топган кун одамлар билан гавжум бўлди. Карнай-сурнай садоси, Навоий ғазаллари билан айтиладиган қўшиқлар янгради. Адабиётшунос олимлар, шоирлар, ёзувчилар, шеърият мухлислари улуг мутафаккир шоир руҳини ёд этмоқ учун бу ерга тўпланди.

Буюк мутафаккир шоир таваллуд топган куннинг 555 йиллигига бағишланган навоийхонликни Тошкент шаҳар ҳокими К. Тулаганов очди.

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

А. Э. ШАЙХОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ГЕРМАНИЯ ФЕДЕРАТИВ РЕСПУБЛИКАСИДАГИ ФАВҚУЛОДДА ВА МУХТОР ЭЛЧИСИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Алишер Эркинович Шайхов Узбекистон Республикасининг Германия Федератив Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1996 йил 9 февраль.

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

А. Э. ШАЙХОВГА БИРИНЧИ ДАРАЖАЛИ ФАВҚУЛОДДА ВА МУХТОР ВАКИЛ ДИПЛОМАТИК МАРТАБАСИНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Алишер Эркинович Шайховга биринчи даражали Фавқулодда ва Мухтор вакил дипломатик мартабаси берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1996 йил 9 февраль.

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

С. С. САФОЕВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ГЕРМАНИЯ ФЕДЕРАТИВ РЕСПУБЛИКАСИДАГИ ФАВҚУЛОДДА ВА МУХТОР ЭЛЧИСИ ВАЗИФАСИДАН ОЗОД ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Содиқ Солиҳович Сафоев бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Узбекистон Республикасининг Германия Федератив Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси вазифасидан озод қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1996 йил 9 февраль.

САМИМИЙ ҚУТЛОВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ислом олами муқаддас Рамазон ойини байрам қилаётгани муносабати билан Сиз жаноби олийларига самимий қутловларимни йўллаш, қодир Оллоҳдан Сизга бу ойда сиҳат-саломатлик ва бахт-саодат, дўст халқингизга ва бутун ислом умматига эса саодат ва фаровонлик ато этишини илтижо қилиш менга улкан мамнуният бахш этади.

Камоли эҳтиром ила

Муҳаммад Ҳусни МУБОРАК,
Миср Араб Республикаси Президенти.

● *Партия ахбороти*

ИШОНЧЛИ ҚЎЛЛАРДА

8 февраль куни Узбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий Кенгашида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тараққиёт Дастури делегацияси билан учрашув бўлиб ўтди. Руминия ташқи ишлар вазирлиги масъул ходими жаноб Ион Попеску раҳбарлигидаги бу делегация Узбекстондаги мустақил жамоат ташкилотлари фаолияти билан танишмоқда. Делегациянинг мақсади БМТ тараққиёт Дастурининг «Инсон ҳуқуқлари ва Узбекистон Республикаси давлат бошқарув тизимини такомиллаштириш» лойиҳасини амалга оширишга тайёргарлик кўриш ва уни маблағ билан таъминлашдан иборат.

Халқаро ҳамжамият вакилларини республика «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши аъзолари илиқ қаршиладилар. Икки ўртада қизиқарли ва фойдали мулоқот бўлиб ўтди. Узбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгашининг биринчи котиби Турғунпўлат Даминов меҳмонларга республика «Адолат» социал-демократик партияси фаолияти ва дастури ҳақида сўзлаб берди.

Самимий қабул учун миннатдорчилик билдирган жаноб Ион Попеску БМТнинг ушбу миссияси ва унинг мақсадлари ҳақида гапирди. Учрашувдан олган энг яхши тассуротим шу бўлдики, «Адолат» социал-демократик партиясининг тақдири ишончли қўлларда экан, — деди БМТ делегацияси раҳбари, — биз яна келамиз деган умиддамиз.

Узаро мулоқот ва савол-жавобларда БМТ делегацияси томонидан Ларбл Жакта, Жан Бари Кол жаноблари ва Карен Маркум, Таня Смит хонимлар, Сиёсий Кенгаш томонидан Узбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий Кенгашининг иккинчи котиби, Республика Олий Мажлиси депутати Абдували Ғуломмаҳмудов, УзСДП Сиёсий Кенгаши мафкура, ички ва ташқи алоқалар бўлими мудири Равшан Ҳайдаров, ташкилий бўлим мудири Шуҳрат Алиматов ва бошқалар қатнашдилар.

Учрашув самимий, узаро фойдали мулоқот тарзида ўтди.

ФАХРИЙЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Узбекистон Республикаси Қуролли Кучлар Марказий музейида уруш фахрийларининг Тошкент гарнизони ёш ҳарбийлари билан учрашуви бўлди.

Учрашувда сўзга чиққан фахрийлар ўзларининг жанговар йўллари ва узбекистонлик жангчиларнинг иккинчи жаҳон урушида кўрсаттан қаҳрамонликлари тўғрисида гапириб беришди.

Қатнашчилар музей экспонатларини қизиқиб томоша қилишди. Унда узбекистонлик жангчиларнинг жанговар мукофотлари, фотосуратлари ва 1942 йил сентябрида 115,2 тепалик мудофаасида жасорат кўрсаттан ҳамюртларимиз тўғрисидаги экспонатлар бор.

Учрашувдан сўнг уруш йилларидаги қўшиқлардан тузилган концерт бўлди.

● *Партия ва ҳаёт*

МУНОСАБАТ ЎЗГАРМОҚДА

«Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов бошчилигида республикамизнинг давлат мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлида халқимизнинг ҳамжиҳатлик билан амалга ошираётган ишлари турмушимизнинг кўпгина соҳаларида ўз самарасини бермоқда. Айни пайтда истиқлол туфайли юртимизда кўппартиявийлик ақидалари кенг шаклланиб, ислоҳотларнинг жадаллашувида мавжуд партияларнинг ҳам муносиб улуши бўлаяпти».

Суҳбатдошимиз Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Хоразм вилояти Кенгашининг иккинчи котиби Маркс Бойимбетов партия мавқейи ва унинг ислоҳотлар жараёнида тутган ўрни хусусидаги сўзларини шундай бошлади.



— Ислоҳотларнинг нечоғли халқ орасига кириб бориши кўп жиҳатдан тарғибот ва ташвиқот ишларига ҳам боғлиқ. Албатта, бу жиҳатдан вилоятда таркиб топган вилоят партия Кенгашининг ҳам ўзига хос иш усуллари бўлса керак.

— Хоразмда партия Кенгаши ташкил топганига кўп вақт бўлгани йўқ. Лекин шунга қарамай унинг таркиби жонқуяр фаоллар ҳисобига кенгаймоқда. Эндиликда вилоятнинг барча туманларида «Адолат» партиясининг туман Кенгашлари ҳамда 40 дан ортиқ ишлаб чиқариш ташкилотларида бошлангич партия ташкилоти тузилган. Гап шундаки, жойларда партиямиз аъзолари сафи кенгайгач, ишлаб чиқаришга бўлган муносабат ҳам ўзгара бошлади. Одамларда келажакка бўлган ишонч, узаро ишлаб чиқариш ҳамда сифат ва самарадорлик рақобатини барпо этиш тушунчалари пайдо бўла бошлади. Бир мисол. Хоразм ўт ўриш заводи бошлангич партия ташкилоти ҳамда Хонқа тумани пахта тозалаш заводи бошлангич партия ташкилоти аъзолари узаро ўн беш кунлик мусобақани йўлга қўйдилар. Бу эса бошқа қўплаб тармоқларга ҳам таъсир этмай қолмаяпти. Муҳими, халқ орасида мавжуд партиялар шунчаки номигагина эмас, балки илгариги партиядан фарқ қилиши, халқчил эканлиги, юртимиз келажагини барпо этиш йўлида камарбасталиги билан ишонч, эътиқод уйғотмоқда.

— Маркс ака, вилоят партия Кенгашининг иш йўналиши ҳақида ҳам тўхталсангиз.

— Ҳар ойда бир марта партиямиз фаоллари билан кенгашиб, режалар тузиб оламиз. Ишлаб чиқариш корхоналарида, маҳаллаларда буламиз ҳамда аҳоли билан учрашувлар ўтказамиз. Бунинг самараси чакки бўлмаяпти. Чунончи, фаолларимиз аралашуви туфайли 10 та маҳаллада кичик корхоналар барпо этилди. Эндиликда ана шу корхоналарда 100 дан ортиқ ишлаб ишлаб чиқаришга жалб этилган. Шунингдек, тўртта маҳаллада бошлангич партия ташкилотлари тузилди. Ҳар ҳафтанинг чоршанба кунлари бу ерда «Очиқ эшиклар куни» деб номланган тадбир ўтказилади. Бунда ота-оналар, ёш оилалар, меҳнатга банд бўлмаганлар жалб этилиб, фикр-мулоҳазалар алмашилади. Имкон қадар уларга ёрдам берилмоқда.

— Партия сафига қабул қилиш, жойлардаги туман Кенгашлари билан ҳамкорлик жараёнида муаммолар ҳам борми?

— Бор.

— Масалан.

— Партиямиз Дастур ва Низомида кўрсатилишича, сафимизга кирмоқчи бўлганлар икки кишидан тавсиянома олиши керак, дейилган. Бироқ айрим туманларда қабул жараёни даврида тажрибали партия аъзоларининг сафи кам сонли эканлиги бизни анча ўйлантириб қўймоқда. Бироқ бунинг йўлини қуйидаги тарзда амалга ошираяпмиз: сафимизга кирмоқчи бўлганлар билан аввал суҳбат ўтказиб, унинг мақсади, дунёқараши билан танишиб чиққач, ишлаб чиқариш ташкилоти раҳбари ва яшаб турган жойидан биттадан тавсиянома олгач, кейин қабул қилаяпмиз. Ана шу ташкилот ёки массасада етти-саккиз нафар аъзолар фаолият кўрсата бошлагач эса, Дастур ва Низомдагидек иш қўрилмоқда.

Энди шу ўринда яна бир мулоҳаза бор. Маълумки, Хоразм воҳасида туманлар бир-биридан анча узоқда жойлашган. Бу эса аъзолик бадалларини ўз вақтида вилоят Кенгашига етказиб беришда қўплаб муаммоларни келтириб чиқараяпти. Айтайлик, бошлангич партия ташкилоти раҳбари аъзолардан тушган тўловларни тўплаб туман Кенгашига, ўз навбатида туман Кенгаши раҳбари вилоят Кенгашига олиб келади. Бу борада қанча саргардонлик, бунинг устига вилоят Кенгаши раҳбари хизмат юзасидан бирор жойга кетган бўлса, соатлаб кутишлар ва ҳоказо. Ана шунинг учун ҳам сарсонгарчиликка чек қўйиш мақсадида битта таклифим бор: юқорида қайд этилганларнинг ўрнида ҳар бир туманда вилоят партия Кенгашининг ҳисоб рақами очилса-да, туман Кенгаши котиблари шу ернинг узида тўлов бадалларини топшириб, ҳужжатларни расмийлаштиришгача вилоят партия Кенгашига, айтайлик ҳар ойнинг охирида, ёзма равишда маълумот берилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

— Айтишларича, вилоят партия Кенгашида ёшлар билан ишлаш борасида анчагина тажрибалар бор экан. Тўғриси, бу ҳақда вилоятдаги мавжуд партияларнинг раҳбарлари ҳам алоҳида таъкидлашмоқда.

— Бор тажрибаларни ишга солаяпмиз. Бироқ қилиниши лозим бўлган асосий ишлар эса ҳали олдинда. Маълумки, Хоразм воҳаси республикамиздаги бошқа вилоятларга нисбатан ҳам экологик, ҳам маданий ривожланиш жиҳатидан анчагина фарқ қилади. Айни пайтда вилоят ёшлари ишбилармонлик баҳонасида бошқа республикаларга кетиб қолмоқда. Бу масала чуқур ўрганилганда жойларда ёшларга керакли шарт-шароитларнинг яратилмаётганлиги, бунинг устига кичик ва ўрта тадбиркорлик кенг қулоч ёзмаганлиги, корхоналар барпо этилмаганлиги, шунингдек, қишлоқларда саноат корхоналарининг кириб келиши суст даражада бораяётганлиги маълум бўлди. Хўш, нега шундай бўлаяпти? — деган савол туғилиши табиий.

Партиямиз Кенгаши фаоллари ёшлар билан ишлашда айнан шу масалаларни ҳал этиш, тегишли идоралар, раҳбар ходимлар билан ҳамкорлик қилиб, жойларда корхоналар қурилишини жадаллаштиришни йўлга қўйишдан бошлади.

Яна бир нарса, туман, шаҳар марказларида, маҳаллаларда ёшлар билан учрашувлар ташкил этиб, турли тадбирлар, қизиқарли кечалар ҳам ўтказилаяпти. Тўғри, ҳозирча бунинг самараси ёмон эмас, лекин бу йўлда ҳали ечимини кутаётган муаммолар жуда кўп.

— Аҳён-аҳёнда бўлса-да, одамлар ўртасида «партиянинг кимга кераги бор?», «партияга ўтгандан нима манфаат кўрамиз?» дегувчиларни ҳам учратиб қоламиз. Кечирасиз-ку, меҳнат фаолиятингизда ана шундай кишиларни учратиб, шу каби фикрларга дуч келганмисиз ва бу фикрларга сизнинг муносабатингиз қандай?

— Учратганман. Тўғриси, ўз урнида бундай фикр юритувчиларга муносиб жавоб ҳам берганман. Энди партияга кириш ёки аъзо бўлмаслик масаласига келсак, Дастур ва Низомимизда аниқ ва равшан қилиб белгилаб қўйилган. Иккинчидан, у ёки бу партия сафида туриб, ислоҳотларни жорий қилишда муносиб ҳисса қўшишнинг, ҳар бир шахс шу доирадан туриб ўз сиёсий муносабатларини кенгайтиришнинг нимаси ёмон? Шундай деймизку-я, аммо бир нарса бор-да! Чунки собиқ шўролар даврида мавжуд бўлган партия яккаҳокимлик ниқоби остида иш тутганди. Сир эмас, айримлар ана шу партия аъзоси эканлигини рўкач қилиб, мансаб курсисига ўтиргани ва бундай қарашлардан кўпчилик ҳамон ҳалос бўла олмаётганлиги ҳам бор ҳақиқат.

Ҳулоса қилиб айтадиган бўлсам, республикамизда таркиб топган кўппартиявийлик келажагимиз дастурини яратишда муҳим омиллардан бири бўлиб қолади. Аминманки, ана шу партиялар қаторида Узбекистон «Адолат» социал-демократик партияси ҳам янгиланиш жараёнини ҳаётга татбиқ этишда ўз ўрнига, ўз овозига эга бўлади.

Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,
«Адолат» мухбири.

ТЕХНИКА МАВСУМГА ШАЙЛАНЯПТИ

Хатирчи туманидаги Эшмурод Абдиев номли жамоа хўжалиги аъзолари ўтган йилни муваффақиятли якунладилар. Галлачилик, мевачилик полизчилик ва сабзавотчиликдан хўжалик тўққиз миллион сўмлик соф фойда олишга эришди. Пахтачиликнинг ўзидан эса 56 миллион сўмлик даромад келиши кутилмоқда.

Жорий йилда хўжаликда 4500 тонна пахта ва 2534 тонна ғалла етиштириш кўзда тутилган. Бунинг учун ҳозирданоқ техникаларни мавсумга шайлаш борасида ибратли ишлар амалга ошириляпти. Техникаларни таъмирлаш ишларига тажрибали чилангарлар жалб қилинган. Улар ўзларига юклатилган вазифаларни сифатли ва соз қилиб бажаришяпти.

Суратда: Чилангарлар Абдулла Гоффоров ва Шойим Расуловлар иш устида.

Тоҳир НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган сурат.

● *Муҳаррирга мактуб*

УННИНГ ЎРНИ БОЗОРДАМИ?

Ҳозир бозорларимиз чет эл молларига тўлиб-тошиб кетди. Бу — яхши. Лекин уша молларнинг нархи осмонда эканлиги кишини ўйлантириб қўяди.

Эндиликда баъзи жойларда жамоа хўжаликларида етиштирилиб, деҳқонларга иш ҳақи ҳисобида бўлиб берилган бутдойлар тегирмонларда тортилмоқда ва келишилган ҳолда дуконларга чиқарилмоқда. «Келишилган нарх» деганимиз бу килоси 14-16 сўмдан демакдир. Лекин бу унни дуконлардан ҳамиша ҳам топа олмайсиз.

Лекин яқиндан бери Сиргали туманининг Сиргали-3 мавзесида жойлашган бозорнинг бир-икки жойида «Оҳангарон уни» сотила бошланди. Нархи кишини «чақиб» олади — килоси 24-26 сўмдан. Ахир инсоф деган нарса қаерда қолди? Наҳотки, килосига ўн сўмдан қўшиб сотишга уялишмаса?

Ҳамма нарсанинг бозорга чиққани яхши. Лекин фақат уннинг эмас. Тирикчилигимиз таянчи бўлган ун ҳам бозорга чиқиб, уни фақат ҳамёни қаппайганларгина сотиб оладиган бўлсалар, оддий халқнинг шўри қуриб-ку! Шу ишга мутасадди бўлган кишилар нега бу ҳақда яхшилаб ўйлаб кўрмаяптилар экан?

Р. ФАЙЗУЛЛАЕВ,
Зангиота туманидаги
Алишер Навоий номли
жамоа хўжалиги.

ШЎРЛИК МУАЛЛИМ

(Ҳажвия)

Мактабга бир ёш муаллим келди,
Келишган, ширинсўз, аспирантсифат.
Барчаси суқланиб боқишар унга,
У эса дарсини ўйлайди фақат.

Директор қўл қисиб табриклаб қўйди,
Омад ҳам тилади ота-инидай.
Сўнг секин суҳбатни мақсадга йўйди:
— Хўш энди оғайни, маслаҳат шундай —

Биласиз, фандан ҳам муаллими кўп,
Ўн кипи еёлмас битта иликни.
Тарихдан ҳозирча ҳеч ложки йўқ,
Сизга ажраттанмиз чизмачиликни.

Ёш-да, инкор этмай директор сўзин,
Илк дарсни бошлади хуллас чизмадан.
Аммо завхоз қуғур бошини суқиб
Шошганча ган қотди тор деразадан:

— Домла, бир қарашинг, озроқ, илтимос,
Қишки сабзи қолди ўт орасида.
Агар болаларни бошлаб чиқсангиз,
Тозалаб ташлардик уни бир пасда.

Хуллас, бажарилди савобли юмуш,
Кейинги соатда ариқ ковланди.
Эртаси директор жилдият билан
Ювош муаллимга яна юзланди:

— Иним, энди ган сал бошқача бўлди,
Бугундан машғулот ўтасиз тилдан.
Муаллим кеча декретга чиққан,
Ишга келар экан келаси йилдан.

Бир кун навбат келди физкультурага,
Кейинги машғулот — рус тили фани.
Юмуш қўплигидан бош қашиш тугул,
Вақт тополмайди конспект ёзгани.

Хуллас, ўнлаб турли дарс ўтди шўрлик,
Билган ва билмаган фанлардан бир-бир.
Ҳайҳот, қай тарафдан чиқиб ёрутлик,
Тарихдан дарс топди бояқиш ахир!

Орадан оз эмас... беш йил ўтганда,
Вақт эса корини қилган, начора,
Шу — чун тарих қолиб дарс чоғи гоҳ тил,
Гоҳо табиатдан сўйлар бечора...

***

... Бу чинми ё ёлғон, Сизга ҳавола,
Чунки қуруқ гапга кўнгил тўлмайди.
Рост-да, қурбақани она тилида
Эга ва кесимга бўлиб бўлмайди.

Фармон ТОШЕВ.

● *«Адолат»га жавоб берадилар*

«АРОҚ, КОНЬЯК... ВА МАКТАБ ДАРСЛИКЛАРИ»

(«Адолат» газетаси, 1995 йил, 30 сентябрь, № 26)

Мазкур сарлавҳа остида берилган фельетонда Жиззах вилоятининг Арнасой тумани марказидаги бозорга қарашли «Кўтара савдо-харид базаси»да мактаб дарсликлари ғайриқонуний равишда сотилаётгани танқид қилинган эди. Унга қуйидаги жавоб хати олинди.

Фельетонни ўрганиш бўйича тузилган махсус комиссиянинг текшириш натижаларига кўра қуйидагиларни маълум қиламиз:

Мақолада фамилияси қайд этилган Худойберди Уроқов Мирзачўл тумани халқ таълими бўлимида китоблар тақсимоти билан шуғулланмаган. 1994-1995 йилларда у шу тумандаги 14-мактабда директор бўлиб ишлаган. Бу даврда мактаб учун мақолада келтирилган китоблардан фақат икки номланишдагиси олинган, холос. Улар VI синф «Узбек адабиёти» — 26 дона, IX синф «Алгебра» дарслиги — 20 дона. Бу дарсликларни ҳаммаси мактаб ўқувчиларига тарқатилган.

Х. Уроқов 1995 йил 31 мартда Мирзачўл тумани халқ таълими бўлимининг 47/4 сонли буйруғига асосан мактаб директори вазифасидан, 1995 йил 29 августда эса 113/8 сонли буйруқ билан ўз хоҳишига кўра ўқитувчиликдан озод қилинган. Мақолада китоб савдоси билан шуғулланганлиги учун танқид қилинган Қурбоной Уроқова билан суҳбатда унинг ушбу китобларни Худойберди Уроқовдан олмаганлиги маълум бўлди. Ушбу фельетон барча шаҳар, туман халқ таълими бўлимлари ва вилоят халқ таълими бошқармасининг кенгашларида таҳлил қилинди. Жойларда бундай ноқонуний савдоларга барҳам бериш ва уларнинг олдини олиш мақсадида вилоят давлат солиқ бошқармасига тегишли кўрсатмалар берилди.

Ш. ЧИЛҒАШОВ,
Жиззах вилояти ҳокимининг ўринбосари.

ШИКОЯТ ИНОБАТГА ОЛИНДИ

Тошкент Марказий йўловчилар ташиш бекатининг маълумот берувчиси М. Ирмуҳаммедова «Адолат» газетаси таҳририятига ноҳақ ишдан бўшатилганлиги тўғрисида шикоят хати билан мурожаат этиб, ёрдам сўраган эди. «Узбекистон темир йўллари» давлат акционерлик компанияси унинг хатини кўриб чиқиб, қуйидагиларни маълум қилди.

Тошкент Марказий йўловчилар ташиш бекатининг маълумот берувчи ишчиси М. Ирмуҳаммедованинг нотўғри ишдан бўшатилганлиги тўғрисида «Адолат» газетаси таҳририятига йўллаган шикоят хати бекат раҳбарияти томонидан кўриб чиқилди.

Ҳақиқатдан ҳам ишчи М. Ирмуҳаммедова иш жойида бўлган низодан сўнг ўз хоҳиши билан хизмат вазифасидан озод қилишларини сўраб ариза ёзиб берган эди. Бекат бошлиги Ф. Саъдуллаев томонидан қабул қилинган бу аризага кейинчалик имзо ҳам чекилмади, буйруқ ҳам чиқарилмади, ўз навбатида бу унинг меҳнат дафтарчасига ҳам қайд этилмади.

М. Ирмуҳаммедованинг шикоят хати бекат маъмурияти томонидан инобатга олинди. Айни пайтда у имтиёзли шароитда, фақат кундузи ишламоқда, кечқурунги навбатчиликдан озод қилинган.

Т. ДАДАХЎЖАЕВ,
«Ўзбекистон темир йўллари» давлат акционерлик компанияси бўлим бошлиғи.

1996 йил — Амир Темур йили

ТАРИХ ТИЛСИМЛАРИНИ ОЧИБ

Самарқандлик археологлар темурийлар даврига оид тарихнинг ҳали кўпчиликка маълум бўлмаган янги саҳифаларини очмоқдалар. Уларни синчиклаб ўрганиб фанга зарур, қимматли хулосаларни қўшмоқдалар.

Соҳибқирон туғилиб ўсган Хўжа Илғор қишлоғидаги қазув ишлари натижасида эски сарой қолдиқлари топилди. Темурнинг болалик йиллари ўтган Занжирсарой қишлоғидаги яна бир ноёб топилма ҳам археолог-олимлар ўртасида катта мунозараларга сабаб бўлмоқда. Шунингдек, бир вақтлар Самарқанд Арки ичида жойлашган Кўксарой ҳақидаги қўшимча маълумотлар ҳам диққатга моликдир. Бу топилмалар Темур яшаган давр манзараларини тўлақонли акс эттиришда, бугунги кунимиз учун зарур хулосалар чиқаришда катта аҳамиятга эга.

Шу йилнинг апрель ойида Археология институти ташаббуси билан Самарқандда «Амир Темур ва жаҳон цивилизацияси» мавзуида халқаро конференция ўтказилади. Унда соҳибқирон ҳаёти ва давлатчилик фаолиятига оид янги топилма ва маълумотлар ҳам кенг тарғиб этилади.

Зоҳир ТЎРАҚУЛОВ,
«Адолат»нинг ўз мухбири.

Марказий Осиёда энг йирик ҳисобланган Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Археология институти ходимлари Амир Темур ва темурийлар даврини ўрганиш бўйича жуда катта ишларни амлага оширмоқдалар. Институт ходимлари олиб бораётган қазиш ишларида соҳибқирон фаолияти билан боғлиқ кўплаб ашёлар топилмоқда.

Суратларда: институтнинг кўргазмалар залида. Унг томонда эса ёш археолог Абдусобир Райимқулов иш устида акс эттирилган.

Тоҳир НОРҚУЛОВ олган суратлар.

Дил изҳори

УМИДИМИЗ КАТТА

Биз «Адолат»ни мунтазам равишда ўқиб борамиз. Халқимиз адолатга чанқоқ. Газета саҳифаларида жойларда йўл қўйилаётган ноҳақликлар, қонуннинг бузилиш ҳоллари очиқ-ойдин кўрсатиб берилаётганлиги ўқувчиларда унга нисбатан ҳурмат-эътиборни оширмоқда.

Биз неча-неча йиллар давомида ҳуқуқий билимлардан маҳрум бўлиб яшадик. Аввалги социалистик тузум халқимиз ўз ҳақ-ҳуқуқини тугал билиб олишидан манфаатдор эмасди. Энди эса ўша «бўшлиқ»ни тўлдириш мавриди келди. Шу боис ҳам газета саҳифаларида тажрибали ҳуқуқшуносларнинг ҳаётимиз муаммоларини қамраб олган мақолалари кўпроқ чоп этилса, улар, ўзларининг бу борадаги мулоҳазаларини жойлардан олинган аниқ мисоллар билан изоҳлаб берсалар нур устига нур бўларди.

Халқимизнинг «Адолат»дан умиди катта. Асл ҳақиқатни рўёбга чиқариш йўлида ҳормай-толмай ишлашларингизга тилакдошман.

Исмоилжон ИБРОҲИМОВ,
Фарғона вилояти .

Луқма

«ЭЛЕКТРИЧКА»МИ Ё МУЗХОНА?

Хизмат сафаридан қайтаётиб эрта тонгда «Ховос-Тошкент» электр поездига тушдим. Йўловчилар унча кўп эмасди. Сабабини поезд қўзғалганда сездим. Вагон худди музхонадек совуқ эди. Ён атрофимда ўтирганларга разм солдим. Ёши етмишлардан ошган отахон қалтираб, ёшланган кўзларини тез-тез артади. Унинг рўпарасида ўтирган ёш йигит ҳам совуқдан ғужанак бўлиб олган. Мен ҳам жунжика бошладим.

Поезд Гулистонга етиб келганда айримлар тушиб кетар экан: — Тошкентгача бу вагонда кетадиган бўлсак, совуқдан қотиб қоламиз, яхшиси автобусга чиқамиз, дейишди.

Ҳақли савол туғилади: «Ўзбекистон темир йўллари» давлат ҳиссадорлик компанияси мутасаддилари аҳволдан хабардормикан? Ахир, нафақат Ховос-Тошкент, балки Жиззах-Тошкент, Ховос-Жиззах маршрутлари бўйича қатнайдиган электр поездларда ҳам аҳвол шундай-ку! Ёки улар қиш чиқиб, баҳор келишини кутишаятими?

Йўлчи ЖЎРА.

Иқтисодиёт одимлари

Сирдарё вилоятида «Узолтойтрактор» қўшма корхонаси тузилди. Янги корхона мутахассисларининг айтишича, бундан кейин Ўзбекистонда шудгорлаш техникаси муаммосига барҳам берилади. Зеро, қўшма корхонанинг йиғув конвейери ҳайдов тракторларининг дастлабки туркумини чиқара бошлади. Мазкур янги корхонанинг ишга туширилиши «Алттракт» ҳиссадорлик жамияти билан «Ўзқишхўжаликтаъминоттаъмир» Давлат комитети ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликнинг натижасидир.

Янги корхона цехлари маҳсулот ишлаб чиқариш учун зарур бўлган барча технологик ускуналар билан жиҳозланди. Ишнинг бу томонини Россия томони бажарди. Бунинг эвазига республикамиз ўз шерикларига пахта етказиб беради. Қўшма корхона қошида таъмирлаш майдони ҳам бунёд этилди. Бу ерда қишлоқ хўжалиги техникасини таъмирлашдан ташқари янги узел ва агрегатлар ҳам йиғилмоқда.

Суратларда: «Алттракт» ҳиссадорлик жамияти мутахассиси Александр Болошко (чапдан ўнга), «Узолтойтрактор» қўшма корхонаси бош директори Шавкат Мустафоев ва трактор ҳудудининг катта устаси Абдураззоқ Уролов ўзаро мулоқатда; Олтойдан янги тракторлар туркуми келди.

Баҳром ТУРАЕВ (УзА) олган суратлар.

«Адолат»нинг ҳуқуқ мактаби

ЖИНОЯТНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ОСОН

Мустақиллик, бозор муносабатларига ўтилаётганлиги сабабли мамлакатимизда туб ўзгаришлар юз бераётир. Бу жараён, шубҳасиз, жамиятнинг ҳуқуқий асосларини шакллантириш, такомиллаштириш, мустаҳкамлашни тақозо этади. Бу ўринда, аввало, мазкур йўналишдаги фаолиятимизнинг асоси ҳисобланган Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ривожланган хорижий мамлакатлар, етук мутахассислар томонидан эътироф этилганлиги, ҳуқуқий-демократик жамият манфаатларига тўла мос келишини таъкидлаб ўтиш жоиздир. Бирин-кетин давлат қурилиши, ижтимоий, иқтисодий, маънавий-маърифий ва бошқа соҳаларга тегишли қонунлар ҳам қабул қилинди.

Шуни таъкидлаш керакки, қабул қилинаётган қонунлар жамиятимизнинг бевосита у ёки бу тизимига тааллуқлидир. Суд амалиёти билан боғлиқ қонунлар тўғрисида Бухоро вилоят суди раиси А. Р. РАҲМОНОВнинг айрим фикр-мулоҳазаларини диққатингизга ҳавола қиламиз.

— Амрилло Раҳимович, яқинда бўлиб ўтган Олий Мажлис сессиясида Ўзбекистон қонунларининг янада мукаммал бўлиши учун янги қонунлар муҳокамага қўйилиб, қабул қилинди. Бу борада вилоят суд ҳокимиятининг раҳбари сифатида сизнинг фикрингиз қандай?

— Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган ва 1995 йил 1 апрелда кучга кирган Ўзбекистон Республикасининг жиноят, жиноят-процессуал, маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекслари анча ихчам ва фойдаланиш учун қулайлиги билан кўзга ташланиб туради. Унда республика Олий Суди пленуми қарорлари ва бошқа меъёрий ҳужжатларда кўрсатилган тушунтиришлар ҳам ўз ифодасини топган.

Масалан, «Ўзбекистон Республикасининг жиноят-процессуал Кодекси»га «Айбсизлик презумпцияси» ҳақидаги 23-модда киритилган. Илгариги Кодексда бу тўғрида гап ҳам йўқ эди. Мазкур моддага асосан гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи унинг жиноят содир этишда айбдорлиги қонунда назарда тутилган тартибда исботлангунга ва қонуний кучга кирган суд ҳукми билан аниқлангунга қадар айбсиз ҳисобланади. Ёки, масалан, «Ўзбекистон Республикасининг жиноят Кодекси»да етказилган зарар ҳақида аниқ ва батафсил тушунча берилганки, бу ҳам илгаригилардан тубдан фарқ қилади. Кодексда, кўп бўлмаган зарар — энг кам ойлик иш ҳақининг 5 бараваридан 10 бараваригача. Анча миқдордаги зарар — энг кам ойлик иш ҳақининг 10 бараваридан 30 бараваригача, кўп миқдордаги зарар — энг кам иш ҳақининг 30 бараваридан 100 бараваригача, жуда кўп миқдордаги зарар эса энг кам ойлик иш ҳақининг 100 баравари ва ундан ортиқ бўлган миқдорда деб кўрсатилган.

Яна бошқа бир мисол: мазкур Кодекснинг 72-моддасида шартли жазо белгилашга ҳам алоҳида ўрин берилган. Суд хизмат бўйича чеклаш, ахлоқ тузатиш ишлари, интизомий ишга жўнатиш ёки озодликдан маҳрум этиш жазоларини тайинлаш вақтида содир қилинган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражаси, айбдорнинг шахси ва ишдаги бошқа ҳолатларини назарда тутиб, уни тайинланган жазони ўтамасдан туриб ҳам хулқни назорат қилиш орқали тузатиш мумкин, деган фикрга келса, унга нисбатан шартли жазо тайинлаши мумкин. Бу муддат 1 йилдан 3 йилгача белгиланади ва муайян шахс тайинланган қоидани бузган тақдирда, суд синов муддатини бекор қилиб, ҳукмни ижрога топширади. Амалдаги қонунда оғир жиноят ёки ўта оғир жиноятга қўл урган шахсларга, илгари қасддан содир этилган жинояти учун озодликдан маҳрум этилган шахсларга нисбатан шартли жазо қўллаш мумкин эмаслиги таъкидланган. Аввалги қонунда шартли жазо тайинлаш кўрсатилган бўлса-да, бироқ уни қайси хил жиноятларга нисбатан қўллаш, юқорида айтиб ўтганимиз каби, чеклаб қўйилмаган эди. Қонунларимиздаги бу сингари ижобий жиҳатларни кўплаб келтириш мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг янги қабул қилинган Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексининг 133-моддасида транспорт воситалари ҳайдовчиларининг йўл ҳаракати қоидаларини бузиши жабрланувчига енгил тан жароҳати ёки анча миқдорда моддий зарар етказилишига олиб келса, энг кам ойлик иш ҳақининг 3 бараваридан 5 бараваригача миқдорда жарима солишга ёки транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан бир йилдан 3 йилгача муддатга маҳрум этишга сабаб бўлади, деб кўрсатилган. Анча миқдордаги моддий зарар деганда, энг кам иш ҳақининг беш баравари миқдоридан ошиб кетган зарар тушунилади. Жиноят Кодексининг 266-моддаси 1-қисмида транспорт воситасини бошқарувчи шахс томонидан транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш, баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказишга сабаб бўлса, ушбу модданинг 2-қисмида эса ўша қилмиш одам ўлимига сабаб бўлса, 3-қисмида эса одамлар ўлимига, ҳалокатга ва бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса қўлланиладиган жиноий жавобгарлик кўрсатилган. Бироқ фалокат натижасида кўп миқдорда ёки жуда кўп миқдорда моддий зарар етказилган тақдирда жавобгарлик масаласини қайси қонунга асосан ҳал қилиш кўрсатилмаган.

Бундай муаммо ёки қийинчиликлар тегишли тарзда қонунларга ўзгартириш киритиш, шарҳ бериш ёки Ўзбекистон Республикаси Олий Судининг Пленумида кўриб чиқиб, судларга тегишли йўлланмалар бериш йўли билан ҳал қилинмоқда.

— Бухородаги кўпчилик жиноят ишлари билан таништганимизда 1995 йилда аёллар ўртасида содир этилаётган жиноятлар сони 1994 йилга нисбатан кўпайганлиги маълум бўлди. Бунинг сабаблари нимада деб ўйлайсиз?

— Шарқ аёли қадим-қадимдан ўзининг иффати, одобахлоқи, оила ва турмушга муносабати билан ажралиб турган. Яқин-яқинларгача аёлларнинг жиноятга қўл уриши ниҳоятда камдан-кам учрайдиган ҳол эканлигини исботлаб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак. Лекин кейинги пайтларда айрим аёллар нопоклик йўлига кираётганлиги, ўғирликка қўл ураётганлиги, товламачилик, гиёҳвандлик сингари жиноятларни содир этаётганлиги ачинарлидир.

Бу ўринда яқинда вилоят судида кўрилган, кўз кўриб, қулоқ эшитмаган бир жиноий иш хусусида тўхталиб ўтмоқчиман. Бухоро шаҳрининг 5-кичик даҳасидаги 40-уйда яшовчи фуқаро Малика Бақоева холаваччаси Зарина Аминова билан жиноий тил бириктириб, турмуш ўртоғи Баҳодир Ҳакимовни ўлдиртиради. Бу иш ёлланган қотил И.Аҳмедов томонидан амалга оширилади. М. Бақоева эрининг ўлдирилиши учун қотилга мўмай пул ваъда қилишгача бориб етади. Қаранг, қанчалик қабоҳат, тубанлик! Алоҳида хонадонга эга бўлиб, эркин яшаётган бу оиланинг тақдири ана шундай фожеали тугаганлигига, орада гулдай, бир ёшга тўлиб-тўлмаган гўдак тирик етим қолганлигига афсусланасан, киши.

Тўғри, оилавий жанжал, ўзаро келишмовчилик ҳар жойда бўлиши мумкин. Бундай вазиятда маҳалла-кўй, жамоатчилик, ота-оналар, қолаверса, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қилиш мумкин-ку, ахир! Юқоридаги мисолда айбдорлар қилмишига яраша жазоландилар. Малика Бақоева 19 йил, Зарина Аминова эса 20 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди. Ҳали 20 ёшга ҳам тўлмаган бу аёлларнинг шунча умри энди панжара ортида ўтади.

Ёки бошқа бир мисол. Когон шаҳрида яшовчи Розия Самадова фуқаро З.ни алдаб, унга уй олиб беришни ваъда қилиб, 5000 сўм пулини олиб қолади. Бундан ташқари, Б. исмли бошқа бир фуқаронинг ўзига бўлган ишончини суиистеъмол қилиб, 31450 сўм пулини чўнтагига уради, эвазига унинг ўғлини қамоқдан чиқариб беришни ваъда қилади. Албатта, бу фирибгарлик унинг қора курсига ўтириши билан тугади. Шу каби қилмиши учун жазо топганларнинг яна бири Майрам Ҳамроевадир. У Навоий шаҳар, Халқлар дўстлиги кўчасида яшовчи С. исмли фуқарони чув туширади. Унга, ўғлингизни «амнистия»га асосан қамоқдан чиқариб бераман, деб 2 минг сўм пулини олиб, ўзлаштиради. Луқма таъмини татиб кўрган М. Ҳамроева Ғиждувон шаҳар, С. Айний кўчасида турадиган К.нинг ҳам 20 минг сўм пулини олиб, воқеа жойидан яширинади. Бузоқнинг югургани сомонхонагача, деганларидек, у ҳам қўлга туширилди ва эл-юрт олдида юзи шувит бўлди.

Афсуски, аёл деган муқаддас номга доғ туширадиган бу сингари мисолларни яна келтириш мумкин. Мени бир хонадоннинг бекаси, гулдай фарзандларнинг онаси, қай бировнинг суюкли ёри бўлиши мумкин зотларнинг шундай тубанликка юз тутишлари афсуслантиради.

— Келажак авлодни, наслимизни соғлом вояга етказиш учун нафақат Ўзбекистонда, балки бутун жаҳонда гиёҳвандликка қарши кураш олиб борилаяпти. Ушбу масала суд амалиётида қандай намоён бўлмоқда?

— Мени шу юрт фарзанди, келажак авлодга бефарқ қаролмайдиган бир фуқаро сифатида гиёҳвандликнинг чуқур илдиз отаётганлиги жиддий ташвишга солади. Гиёҳванд моддани истеъмол қилган шахс инсонлик қиёфасини йўқотади. Ўз хатти-ҳаракатининг оқибатларини ўйлаб ўтирмайди. Энг қабиҳ жиноятларга ҳам бемалол қўл уради. Гиёҳванд кимсалар қорадори моддаларни сотиб олиш учун, табиийки, мўмай пул топишга ҳаракат қиладилар ва ҳар қандай жиноятлардан тап тортмайдилар. Президентимиз Ислом Каримов белгилаб берган «Соғлом авлод учун» концепциясини амалга ошириш мақсадида биз аввало ана шу иллатни таг-томири билан қуритишимиз лозим.

Вилоятимиз туман, шаҳар судларида 1993 йилда гиёҳвандлик воситалари билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга оид 332 та жиноий иш кўрилган бўлса, 1994 йилда 524 та иш кўрилиши, бу туркумдаги ишларнинг кўпроқ очилаётгани ва унга қарши курашнинг кучайганлигидан далолат беради. Республика Олий Судининг ўтган йил 27 октябрь куни бўлиб ўтган пленумида гиёҳвандликка қарши курашни янада кучайтириш масалалари кўриб чиқилди ва суд амалиётида қўллаш учун раҳбарий кўрсатмалар берилди.

Мен бир нарсани аниқ биламан: агарда ҳаммамиз бир бўлиб, Ўзбекистоннинг, миллатимизнинг келажаги ва равнақи учун жон қайғуришни истасак, биринчи навбатда ҳуқуқпарвар бўлиб, жиноятнинг олдини олиш ва ҳуқуқий давлат қуриш ишига ўз ҳиссамизни қўшишимиз лозим.

Суҳбатдош: Гулнора САМИЕВА,
«АДОЛАТ»нинг ўз мухбири.

Халқаро ҳаёт

● АҚШ ДИПЛОМАТЛАРИ СУДАНДАН ЧИҚИБ КЕТДИ

ВАШИНГТОН. *Америка Қўшма Штатлари Судандаги экстремист ташкилотлари террорчилик ҳаракатлари хавфи туфайли бу мамлакатдан барча дипломатларини олиб чиқиб кетди. АҚШ Давлат департаменти вакили Глин Дэвиснинг журналистларга маълум қилишича, Американинг Судандаги мавжуд 25 дипломати ўз оила-аъзолари билан Хартунни тарк этган. АҚШнинг Судандаги элчиси Тимоти Карни эса қўшни Кения пойтахти Найробига кўчди. У Судан вакиллари билан шу ердан туриб алоқа боғлайди.*

АҚШ Нью-Йоркдаги жаҳон савдо марказида портлашни ташкил этишда иштирок этгани учун яқинда террорчилар етакчиси шайх Умар Абдул Раҳмонни айбдор деб топган эди. Бу террорчи гуруҳларнинг Қўшма Штатларга таҳдид солишига сабаб бўлди.

Судан 1992 йилдан буён АҚШ Давлат департаментининг халқаро террорчиликни қўллаб-қувватловчи мамлакатлар қора рўйхатига киритилган.

● АБДУРАШИД ДЎСТУМНИНГ ПОКИСТОНГА ТАШРИФИ

ДЕҲЛИ. *Ҳукуматга мухолифатда бўлган Афғонистон миллий ва Ислом ҳаракати (МИҲ) раҳбари генерал Абдурашид Дўстум Покистон пойтахтига ташриф буюрди. Маълум бўлишича, Афғонистондаги энг кучли мухолиф гуруҳлардан бири етакчиси бўлган Дўстум Бош вазир Беназир Бхутто, шунингдек, Покистон давлати раҳбари Форуҳ Легҳарий билан учрашиб, Афғонистондаги вазият ва вужудга келган кескин инқирозни бартараф этиш билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилади.*

Ташрифнинг аҳамиятли томони шундаки, мухолиф кучлар рамазон ойи тугаши билан Президент Бурҳониддин Раббоний қуролли кучларига қарши фаол ҳарбий ҳаракатлар бошлаш ниятидалар. Генерал Дўстум тарафдорлари айни вақтда Афғонистоннинг шимолий қисмидаги анча ҳудудни назорат қилиб турибдилар. Шу боис мухолиф гуруҳ раҳбарининг қандай фикрда эканлигига Афғонистонда тинчлик ёки умумий яраш қарор топишида муҳим аҳамиятга эга.

● ХИТОЙДАГИ ЗИЛЗИЛА ОҚИБАТЛАРИ

ПЕКИН. *Хитойнинг кучли зилзила рўй берган Юннан вилоятида вазият ҳамон мураккаблигича қолмоқда. Бу ерда Рихтер ўлчови билан 5 баллгача куч билан ер силкиниши давом этаётир. Сейсмологлар яна кучли зилзила рўй бериши мумкинлигини истисно қилмаяптилар.*

Табиий офат оқибатларини бартараф этиш штабидан РАТА-ТАСС мухбирига хабар қилишларича, ҳозиргача ҳалок бўлганлар сони 255 кишига етди, ярадорлар сони эса 17 мингдан зиёддир. Табиий офат оқибатида 340 минг турар-жой ва маъмурий бинолар тўла вайрон бўлди. Бунинг оқибатида Лицзян уездида 200 мингдан зиёд киши бошпанасиз қолган.

● «БОИНГ-757» САМОЛЁТИНИНГ ҲАЛОКАТИ

МЕХИКО. *Ўтган чоршанба куни «Боинг-757» самолёти Доминикан Республикаси шимолий соҳилларидаги Пуэрто-Плата яқинида Атлантика уммонига қулаб тушган эди. Айни пайтгача қутқарувчилар акулаларга тўла уммондан жами 189 йўловчининг 79 нафари жасадини олиб чиқдилар. Қутқарув ишларида АҚШ ва Доминикан Республикаси қутқарув хизмати мутахассислари иштирок этмоқда. Ҳалокат сабаблари ҳалигача аниқлангани йўқ.*

● ИСПАНИЯ ТЕРРОРЧИЛАРИ ҲУКМ ҚИЛИНДИ

МАДРИД. *Испания олий суди Баск сепаратчилар ташкилотининг икки аъзосини террорчилик ҳаракатини амалга оширгани учун жами 930 йил қамоқ жазосига ҳукм этди. Улар 1993 йилнинг май ойида Испания пойтахтида етти ҳарбий хизматчини ўлдиришда айбдор деб топилдилар. Испанияда сиёсий террор ҳаракати илк бор 1968 йилда қайд этилган эди. Шу вақтгача 950 киши сиёсий террор қурбони бўлган.*

Руҳият

УЧ ҲИКМАТ ФАЛСАФАСИ

Ҳаёт деганлари кўп мураккаб нарса экан. Йиллар ўтиб, унинг аччиғини ҳам кўраркансан киши, чучугини ҳам. Гоҳида ёғларкан у, гоҳида доғларкан. Ҳар бир инсон тақдирининг ўз тарозиси бўлади, дейдилар. Бу тарози кимларгадир бахт улашармиш, кимларгадир ташвиш...

Мана, икки йил бўляптики, яқин қўшнимизнинг уйига мотам соя ташлаган. Оиланинг йигирмага кирган тўнғич ўғли, Автомобиль йўллари институтининг талабаси Жасур кутилмаганда оламдан ўтди. Болалигида боши нимадандир қаттиқ лат еган экан. 18-19 ёшига келиб мияси ичида хавфли ўсимта пайдо бўлгани аниқланди. Бу дард кейинги пайтда йигитга чидаб бўлмас даражада қаттиқ оғриқ бера бошлади. Бемор туни билан кўзларини юммай чиқар, ўзини қаерга қўйишни билмасди. Ҳеч қандай дори-дармон кор қилмасди унга.

— Энди фақат битта чораси қолди, — ўз фикрларини билдиришди шифокорлар, — бош мияни операция қилиш керак. Тўғри, умид жуда кам. Лекин бошқа илож йўқ. Бу аҳволда йигит узоққа бормайди. Бизни тўғри тушунинглар.

Чўкаётган одам сомонга ҳам ёпишади, дейдилар. Жасурнинг ота-онаси ниҳоят операцияга рухсат бердилар. Йигитни Ўзбекистонда номи чиққан жарроҳлар Тошкентнинг энг яхши шифохоналардан бирида операция қилишди. Ўсмир операциядан яхши чиқди. Ҳатто ўзига келгач, туни бўйи ёнида мижжа қоқмай ўтириб чиққан онасига жилмайиб, уни тинчлантирди. Лекин эртасига тун ярмида бирдан оғирлашди-да, жони узилди-қолди.

Фарзанднинг ўлими оила учун нақадар катта фожеа бўлганлиги ҳақида айтиб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак. Бахти қаро она уввос солиб йиғлар, дамба-дам ҳушдан кетар, оила аъзолари унга бот-бот «тез ёрдам» чақириш билан овора эдилар. Худди ана шу машъум кунларда фотиҳага келган қандайдир оқсоқолнинг бир гапи менинг хаёлимда муҳрланиб қолган.

— Бардам бўлинг, қизим, — деган эди у марҳумнинг онасига, — сиз ҳали бошқа фарзандларингизга ҳам кераксиз. Кўриб турибмиз: иложи бор нарса бўлганида ҳамма-ҳаммасини қилардиларингиз. Лекин, минг афсус...Балки тақдири азал деганлари шудир. Бир нарсани мудом ёдингизда тутинг: ўзгартиришнинг иложи бўлмаган нарсага кўникмоқ жоиздир.

«Ўзгартиришнинг иложи бўлмаган нарса... » Тўғри, ўлимга илож йўқ. Лекин бу ҳамиша ҳам тақдир ҳукми олдида қўл қовуштириб, итоат қилмоқ лозим, дегани бўлмаса керак.

... Ўтган йили Қашқадарё сафарида ёзувчи Самар Нуров билан учрашиб қолдим. Кўришмаганимизга ҳам деярли ўн йил бўлганди. Ҳийла вазминлашиб қолибди Самар ака, сочлари қордай оқариб кетибди. Лекин қўлтиқтаёққа таяниб бўлса-да ўз оёқлари билан юраётганини кўрдиму чин дилдан хурсанд бўлдим. Сиз Самар Нуровнинг бошидан ўтган ишлар ҳақида балки эшитмагандирсиз? Бўлмаса қулоқ солинг.

1973 йилнинг 20 июнь куни «Совет Ўзбекистони» газетасининг Сирдарё вилоят мухбири Самар Нуров хизмат юзасидан Оқ олтин туманининг «Фарғона» давлат хўжалигига келди. Хўжалик директори Собиржон ака Сиддиқовни кутиб, шу ердаги ҳовуз бўйида анча ўтирди. Кун қизигандан қизиб борарди.

— Ҳовузга бир калла қилмаймизми? — деб қолди шу асно мухбирнинг ҳамроҳи.

— Яхши бўларди, — жавоб қилди Самар ака ва кўмкўк сув бағрига биринчи бўлиб ўзини отди. Шу заҳоти боши ўткир бир нарсага урилганини сезди. Даҳшатли оғриқ унинг кўзларидан ёруғ дунёни тўсиб қўйди. Фалокатнинг сабаби — ҳовузнинг пастки қисмида қандайдир темирнинг ўткир парчаси қолиб кетган экан.

Ушбу машъум сана — 20 июндан бошлаб нафақат Самар ака, балки бутун «Совет Ўзбекистони» жамоасининг ҳаётида беҳаловат, ташвишли кунлар бошланди. Мухбирни Тошкентга олиб кетдилар ва энг яхши тиббиёт марказларидан бирига жойлаштирдилар. Таҳририят жамоаси, шахсан бош муҳаррир Мақсуд ака Қориевнинг ўзи туну кун елиб-югуриб, беморнинг ҳаётини сақлаб қолиш учун нималар қилиш керак бўлса ҳаммасини муҳайё этишга қодир эканликларини айтишди. Лекин тиббиёт ходимлари хомуш бош чайқадилар.

— Деярли иложи йўқ, — дейишди улар, — аҳволи жуда-жуда оғир.

— «Деярли» деганингиз умид бағишлайди, — уларнинг шу сўзини маҳкам ушлаб олди Мақсуд ака, — демак, қиттак бўлса-да ишонч бор, шундайми? Келинглар, унда бир уриниб кўрайлик!

Ниҳоят жарроҳлар жуда мураккаб, тиббиёт энциклопедиясига ёзиб қўйишга арзийдиган операцияга қўл урдилар. Журналистнинг ёш, бақувват организми кучқудратини кўрсатдими ёки илоҳий куч қўллаб юбордими, ҳар ҳолда ўша юздан бир умид рўёбга чиқди.

Кунлар ўтди. Бемор бироз ўзига кела бошлади. Деярли бир йилдан сўнг у ўрнидан турди. Тўғри, аввалги соғлиги қайтиб келмади. Лекин инсон сафда қолди, қўлтиқтаёқ билан бўлса-да юрадиган аҳволга келди.

Ана шундан бери йигирма йилдан кўпроқ вақт ўтди. Ёзувчи фақат жисмонан ногирон эди, холос. Маънавий жиҳатдан эса, руҳан анча бақувват, ижодий кучга тўлган бир пайтда эди. Самар Нуров орадан ўтган йиллар мобайнида ўзбек китобхонларини ўзининг қанчадан қанча ажойиб қисса ва ҳикояларидан баҳраманд қилмади дейсиз! Кўпинча унинг машаққатли тақдири ҳақида ўйлар эканман, бир донишманднинг қуйидаги ҳикмати ёдимга тушади, «О, ТАНГРИМ! — илтижо қилган экан у, — ИЛОЖИ БОР НАРСАНИ РЎЁБГА ЧИҚАРИШ УЧУН МЕНГА КУЧ-ҚУВВАТ АТО ҚИЛ».

Худди шу мавзуда яна бир мисол. У ҳам Қашқадарёдан.

Косон шаҳридаги икки қаватли уйлардан бирида ногирон кимса яшайди. Бошқалардан «ўзгачалиги» шундаки, у оёқлари билан эмас, қўллари билан «юради». Ажабланманг, бу гапда муболаға йўқ. Йигитнинг исми шарифи Алишер Шерқулов. Уни менга қашқадарёлик шифокор ва ёзувчи Қилич Нурмуҳамедов таништириб қўйди.

Алишер Тошкентда, Автомобиль йўллари институтида таҳсил кўрди. Юртига қайтгач, ўз мутахассислиги бўйича ишлай бошлади. Халқимизда «кўз тегди»деган гап бор. Алишерга ҳам, таъбир жоиз бўлса «кўз тегди». Ақлли-одобли, кўркам, бақувват, ҳамиша спорт билан шуғулланиб юрадиган, доимо элнинг эътиборида бўлган бу йигит кунлардан бирида, хизматдан қайтаётиб енгил машинада қаттиқ ҳалокатга учради. Уни оғир аҳволда касалхонага олиб келдилар. Кўзини очгач, у даҳшатли ҳақиқатдан огоҳ бўлди: оёқларини ҳаракатга келтирувчи асаб томирлари орқа миянинг лат ейиши туфайли узилиб кетган экан. Йигит белидан паст томонида умуман жон сезмай қолган эди...

Ўша даҳшатли фалокат юз берганидан бери қанча муолажалар қилмасин, Алишернинг аҳволи ўша-ўша. Унга, энди ногиронлар аравачаси ҳамроҳ бўлиб қолган. Қўлларида куч тўлиб-тошиб ётибди, лекин оёқлари жонсиз.

— Мен бу дардга таслим бўлмасликка қарор қилганман, — дейди у, — кўряпсиз, қўлларимда куч бор. Зора бир кун оёқларимга ўтиб кетса.

У ўз танасини тинмай чиниқтириб боради. Шу мақсадда учтўрт йил аввал уйининг деворларига, шипига ўзига хос, турникни эслатувчи махсус машқ асбобларини ўрнаттирди. Бундай тренажёр — шотичалар уйнинг тўрттала деворида, шипда ҳам бор. Алишер қўллари билан чаққон ҳаракат қилади-да, бирданига тик девор бўйлаб кўтарилиб кетади. Бир шотидан иккинчисига бир зумдаёқ ўтади, ногоҳ болалик йилларингизда кўрганингиз «Тарзан» фильми ёдингизга тушади...

— Валерий Брумелни биласиза, — сўрайди ҳансираб мендан, — енгил атлетика бўйича жаҳон чемпиони эди. Мотоциклда ҳалокатга учраб, дабдала бўлган. Уни ҳам ҳеч ким оёққа туриб кетади деб ўйламаганди. Аммо туриб кетди, азамат! Ҳаммасига машқ туфайли эришди.

Мен унга куч-қувват, сабот-бардош тилаб хайрлашаман.

... Дунёдан ёш кетган Жасурнинг онасини ҳозир тез-тез кўриб тураман. Ҳали ҳам бира-тўла ўзига келолгани йўқ, бечора!

Оллоҳ-таоло ҳеч бир бандасининг бошига фарзандини қаро ер қаърига топширишдек мусибатни раво кўрмасин. Лекин чидаш керак... Кўпинча шуни фикр қиламану донишманднинг иккинчи бир ҳикмати ёдимга тушади: «О, ТАНГРИМ! — хитоб қилган экан у, — ЎЗГАРТИРИШНИНГ ИЛОЖИ БЎЛМАГАН НАРСАЛАРГА ЧИДАШ, ТОҚАТ ҚИЛИШ УЧУН МЕНГА САБОТ ВА БАРДОШ БЕР».

Яна бир нарса. Биз, инсонлар кўпинча ҳар хил баландпарвоз гапларни ўйлаб-ўйламай айтиб юборамиз. Масалан, «Дунёда иложи йўқ нарсанинг ўзи йўқ» деймиз. Маъзур тутгайсиз, дўстим, иложи йўқ нарсалар жудажуда кўп. Масалан, одамзот неча-неча минг йиллардан бери абадий двигатель, яъни перпетуум мобиле яратиш устида иш олиб боради. Аммо яратолмаяпти, яратолмайди ҳам. Сабаби, табиат қонунларига кўра унинг ўзи бўлиши мумкин эмас. Ахир ҳеч нарса йўқдан бор бўлиб қолмайдику! «Бир кун келиб юлдузларни забт этамиз» дейишади ўйламай-нетмай. Менинг фикри ожизимча, инсоннинг оёғи ҳеч қачон юлдузга етиб боролмайди. Сабаби, бизнинг сайёрамиздан энг яқин юлдузгача бўлган масофа бир неча юз ёруғлик йилига баробар. Ёруғликнинг тезлиги эса секундига 300 минг километр. Мабодо инсоният ёруғлик билан тенг учадиган бирон-бир аппарат ихтиро қилди дейлик. Лекин одам зоти бир неча юз йил умр кўриши амри маҳол эмасми?

Бир оғайним бор. Иккита ишқибозлик хос унга. Ёғоч ўймакорлиги ва драматургияга ихлос қўйган у. Ёғочдан ишланган ҳар хил ҳайкалчалари кишини мафтун этмай қолмайди. Лекин дўстимиз ўймакорликдан кўра пьеса ёзишни кўпроқ яхши кўради. Биз ўз вақтида унга насиҳат қилганмиз: «Оғайни, сен бу ишингни ташла. Ёзаётган пьесаларинг мактаб ҳаваскорлар саҳнасида қўйилишидан бошқага арзимайди. Ёғоч ўймакорлиги борасида эса бу яқин-атрофда сенга тенг келадигани йўқ. Шунга қаттиқ киришгин». Лекин у ўз билганидан қолмади. Ҳеч қаерда ўтмайдиган, қўйилмайдиган пьесаларини ёзишда давом этди. Пировардида эса ундан ҳеч қандай драматург чиқмади. Умрининг деярли ярмини сароб кетидан қувиш билан ўтказди бояқиш.

Ҳа, ҳар кимнинг имконият даражаси, иқтидори ва қобилиятининг чек-чегараси бўлади. Дунёда ҳақиқатан ҳам жуда катта изланиш, кураш, темирдай метин ирода ёрдамида қўлга киритиладиган нарсалар бор. Бу ўринда мен Жанубий Африка Республикаси президенти Нельсон Манделанинг ҳаётини мисол қилиб кўрсатгим келади. У ўз халқини озодликка олиб чиқиш учун умрининг роппа-роса йигирма беш йилини турмаларда ўтказди. Аммо муқаддас мақсадига эришди.

Қашқадарёлик танишларим-дўстларим Самар ака, қадди мажруҳ бўлса-да ироддаси букилмаган Алишер, улар қаторида ўймакорлик санъатининг ҳақиқий устаси, бироқ ношуд драмутрг оғайним ҳақида ўйлар эканман, донишманднинг учинчи бир ҳикмати ёдимга тушади, «О, ТАНГРИМ, — деган экан у ўз фалсафий фикрларига якун ясаб, — ЎША ИККИТА НАРСАНИ, ЯЪНИ ИЛОЖИ БОР ВА ИЛОЖИ ЙЎҚ НАРСАЛАРНИ БИРИНИ БИРИДАН АЖРАТИБ ОЛИШ УЧУН МЕНГА АҚЛ ВА ФАРОСАТ АТО ҚИЛ».

Қодиржон СОБИРОВ.

Алишер Навоий таваллудининг 555 йиллигига

БУЮК ИШНИНГ БОШИДА БУЮКЛАР ТУРАДИ

Алишер Навоий ролининг ижрочиси —Ўзбекистон халқ артисти, Давлат мукофоти лауреати Ёқуб Аҳмедов билан суҳбат

Ўзбек миллий театри ва кино санъати аллақачон ўзининг ажойиб Навоийномасига эга. Турли йилларда бу ўзига хос ижод мактабининг бир неча бетакрор саҳифалари ёзилди. Ана шундай шарафли ва айни вақтда ўта масъулиятли ишга муносиб ҳисса қўшганлардан бири Ҳамза номидаги Ўзбек давлат Академик драма театрининг ҳозирги бадиий раҳбари, моҳир актёр Ёқуб Аҳмедовдир. Шеърият мулки султонининг қутлуғ 555 йиллиги арафасида биз у кишига саҳна ва экран санъати навоийномаси тўғрисида бир неча савол билан мурожаат қилдик.

— Ёқуб Аҳмедович, аввало, ўзбек театр ва кино санъати Навоийномасининг асосчилари ва унинг илк саҳифалари ҳақида қисқача гапириб берсангиз.

— Буюк ишнинг бошида буюклар туради, деб бежиз айтишмаган донолар. Ҳақиқий миллий театримизнинг тамал тошини қўйган, унинг ривожи ва равнақига бетакрор ҳисса қўшган улуғ санъаткорлар-режиссёрлар Маннон Уйғур, Тошхўжа Хўжаев, актёр Аброр Ҳидоятовлар саҳна санъатимиз Навоийномасининг асосчиларидир. Худди шу мумтоз маданият арбобларининг журъати, бемалол айтиш мумкинки, қаҳрамонлиги туфайли ажойиб шоир Уйғун, олим ва драматург Иззат Султон китобидаги, халқимиз хаёлидаги, тасаввуридаги Ҳазрат Мир Алишер бундан роппа-роса эллик йил бурун қадам ташлаб саҳнамизга кириб келди. Худди шу аллома санъаткорларнинг фидойилиги ва жонкуярлиги туфайли элимиз, одамлар шеърият мулкининг султони билан илк бор учрашдилар, унинг нурли сиймосини кўришга, ўгитларини, дардларини тинглашга мушарраф бўлдилар. Мумтоз ғазалларини шоирнинг ўз оғзидан эшитдилар. Ҳамза театрининг ижодий жамоаси эса, Ҳазрат Навоийни юртимизда биринчи бўлиб кутиб олганидан боши осмонга етди!

Мен ана шундай бахтли театрнинг актёри, ижодий жамоанинг аъзоси бўлганлигимдан бир умр фахрланаман. Лекин кўнглимда бир армон ҳам яшайди: Аброр Ҳидоятов ижросидаги Алишер Навоийни кўролмаганман. Олис Наманганда кечган ўсмирлик пайтимда унинг довруғини эшитганман, холос.

Аброр акага саҳнадош, тенгдош, шогирд бўлган устозларим, қолаверса, санъатшунослар у киши Алишер Навоий ролини тенгсиз бир маҳорат билан ижро этганини, образни кўпроқ драматик йўналишда гавдалантирганини ҳамиша алоҳида фахр-ифтихор билан таъкидлашади.

Театримизда Алишер Навоий ролини иккинчи бўлиб яна мумтоз актёримиз, менинг севган устозим — Олим Хўжаев ижро этди. Мен у кишининг ўйининигина эмас, ҳатто машқларини ҳам кўриш, кузатиш шарафига муяссар бўлганман. Олим ака Аброр Ҳидоятовдан фарқли ўлароқ, образни кўпроқ лирик-драматик тарзда талқин этган эди. У киши севимли ролини ижро этаётганида, айниқса, ғазал ўқиётганида Алишер Навоийнинг худди ўзи бўлиб кетарди, десам кўпчиликнинг фикрини, дил сўзини, эътирофу ҳайратини ифодалаган бўламан. Бу табиий эди. Чунки, ҳаётда устоз ниҳоятда шоиртабиатлилиги билан бошқалардан ажралиб турарди. Қолаверса, Олим аканинг юзларида, кўзу қошларида, ҳатто юришларида фақат Навоийда кузатилиши мумкин бўлган ажиб бир туғма улуғворлик доимо мужассам эди.

Устознинг бир гапи ҳеч эсимдан чиқмайди. «Актёр Ҳазрат Алишернинг ролига журъат этолмай, қийналиши мумкин, — дегандилар Олим ака. — Лекин ролни тайёрлашда, ижрода у бундай ҳолга тўғри келмайди. Чунки унга, яъни актёрга шоирнинг ўзи, тўғрироғи, унинг зиёбахш шеърияти, дилбар ғазаллари, қолаверса, ибратли ҳаёти ҳақидаги ҳикоялар ёрдам беради».

Ҳа, Олим Хўжаев шеърият мулки султонининг ҳаёти ва ижодини пухта билганлиги, унинг моҳият-мағзини улуғ олим даражасида чаққанлиги учун, ҳатто эслаганда кишига илҳом улашадиган қуйма образ яратади!

Миллий кинематографиямизда Навоийноманинг кашф этилиши эса режиссёр Комил Ёрматов ва актёр Раззоқ Ҳамроевнинг исми билан боғлиқ.

Маълумки, театр ва кинонинг имкониятлари ҳар хил. Масалан, саҳна санъатида премьерадан кейин ҳам, яъни спектаклни мунтазам намойиш этиш жараёнида ижро этилаётган ролни янада сайқаллаштириб бориш мумкин. Кинода эса, бундай имконият йўқ. Маълум тайёргарликдан сўнг битта ва охирги суратга олишга киришилади. Тамом! Лентага нима муҳрланса, шу кўрсатилади ва абадий қолади. Раззоқ ака шундай мураккаб санъат турида улуғ Алишер Навоий образини яратишга киришди ва бу шарафли ишни қойилмақом қилиб уддалади. У кишининг инсонпарвар ва маърифатпарвар Навоийси туфайли жаҳоннинг жуда кўп мамлакатлари халқлари илк бор буюк бобокалонимиз, маданиятимиз ва тарихимиз ҳақида тасаввурга эга бўлдилар. Бу шарофатли фильм кўплаб хорижий тилларга таржима қилиниб, ҳамон дунё экранларини кезиб юрибди.

Фильм ўзбек тилига ўгирилганда мен унутилмас устозим Раззоқ Ҳамроевга овоз берганман. Бир йўла икки буюк сиймога хизмат қилганимдан бир умр фахрланаман.

— Халқимиз, санъат мухлислари сизни Алишер Навоий ролининг ҳозирги кундаги энг яхши ижрочиси деб билади. Айтинг-чи, бундай шарафли ва айни вақтда ғоятда масъулиятли ишга киришар экансиз, қандай қўшимча манбаъларга таянгансиз, кимларнинг тажрибаларидан фойдалангансиз?

— Ҳазрат Алишер Навоийнинг илҳомбахш образини аввал телевидениеда — классик адибимиз Ойбекнинг машҳур романи асосида яратилган кўп қисмли видеофильмда, сўнг жонажон театримда учинчи бор саҳналаштирган спектаклда яратиш бахтига муяссар бўлдим.

Видеофильмда образ яратишга киришар эканман, романдан ташқари Ойбек домланинг Навоий ҳақидаги достони ва машҳур мақолаларини ҳам пухта ўрганганман. Мутафаккир шоирнинг ўз асарлари, қолаверса, Олим Шарафиддинов, Ҳамид Сулаймон, Ҳамид Орасли, Воҳид Зоҳидов, Азиз Қаюмов каби таниқли навоийшуносларнинг, Садриддин Айний, Мақсуд Шайхзода сингари аллома ёзувчиларнинг илмий-публицистик мақолалари, рисолалари ҳам мен таянган қимматли манбаълардир.

Театрдаги ролимни тайёрлаш жараёнида бу қутлуғ манбаълар қаторига Уйғун домла билан қилинган суҳбатлар, Иззат аканинг пурмаъно маслаҳатлари ҳам қўшилган. Пьеса муаллифлари бўлган бу ажойиб инсонларнинг ёрдамларини ҳеч қачон унутмайман.

Мен марҳум Аброр Ҳидоятовга ҳавас қилиб, саҳнадошим Олим Хўжаев тажрибаларини ўрганганман. Театр ва рассомчилик санъати институти профессори Раззоқ Ҳамроевнинг аудиторияда ўз оғзидан улашилган тажрибалари — лекцияларидан фойдаланмасдан бўлармиди?!

Ҳазрат Алишер Навоийдан, у кишининг менга ҳам насиб қилган қутлуғ ролидан бир умр миннатдорман. Шоир образи талқини сабаб бўлиб, ижодий ҳаётимда ўзим учун жуда кўп нарсаларни кашф қилдим. Энг муҳими, ижодкор одам, зиёли инсон ҳаётида нечоғлик фаол бўлиши кераклиги тўғрисидаги даъватни қалбан янада чуқурроқ ҳис этдим.

— Навоий образини талқин этган замондош ҳамкасбларингиздан кимларни тилга олиб ўтишни хоҳлардингиз?

— Театримизда улуғ шоир ролини Халқ артисти Зикир Муҳаммаджонов билан галма-галдан ўйнаяпмиз. Зикир ака ўзига хос образ яратганини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. Катта театримизда биринчи бор Навоий ҳақида опера саҳналаштирилганда ундаги бош ролни иқтидорли санъаткор Турсунбой Ҳусанов музикали спектаклга мос қилиб, яъни профессионал даражада талқин қила билди. Вилоят театрларининг Навоийлари орасида менга айниқса наманганлик ҳамкасбим Ўринбой Нуралиевнинг роли ёқади. Ажойиб овоз соҳиби бўлган бу актёр муваффақиятининг сири унинг шоиртабиатлигидир.

— Ҳамза театрини ҳисобга олмаганда ҳозирги кунда бошқа биронта театрнинг репертуарида Алишер Навоий ҳақида спектакль кўрмаяпмиз. Буни сиз қандай изоҳлайсиз?

— Эътирозингиз ўринли. Республика ва вилоят театрларининг камида икки -учтасида, қолаверса, ёш томошабинлар театрида шеъриятимиз мулкининг султони, қадимий бадиий маданиятимиз кўзгуси, ҳамма даврлар учун бирдай керак ва ўрнак улуғ Алишер Навоий тўғрисида албатта тез-тез спектакллар кўрсатиб туришимиз лозим. Буни давр ҳам тақозо этади. Ахир, ким айта олади — Навоий бугунги биз мушарраф бўлган истиқлол, адолат юзага чиққан қутлуғ кунлар учун курашмаган деб? Тўғри, баъзи арбобларимиз Ҳазрат Мир Алишер тўғрисида спектакллар кўпайиб кетса ҳам яхши эмас, муқаддас мавзуга путур етказилиши мумкин, дейишади, бу гапларда жон бор. Балки шунинг учунми, ҳозиргача экран санъатимизда буюк шоир ҳақида раҳматлик Комил Ёрматовнинг машҳур бадиий фильмидан бошқа асар яратилмади. Лекин, менинг назаримда, барибир улуғларнинг улуғи бўлган мутафаккир, инсонпарвар аждодимизга тез-тез мурожаат қилиб туришимиз шарт. Чунки, Ҳазрат Алишер Навоий саҳналаримизга доимо нур, давраларимизга, даврларга муттасил зиё улашувчи ўлмас даҳодир!

Суҳбатдош:
Юсуф БЕРДИЕВ.

ПОЙТАХТ ЧИРОЙ ОЧАДИ

Пойтахтимиз тозалигини таъминловчи механизмлар паркига бир қанча техника келтирилди. Тошкент шаҳар ҳокимлигининг ободонлаштириш бош бошқармаси Россиядан маиший чиқиндиларни ташийдиган дизел моторли 100 та кучли янги машина, қурилиш ва бошқа ишларга мўлжалланган 30 та ўзи тўкар машина ва эритиш тармоқларига хизмат кўрсатиш ҳамда таъмирлаш учун 11 та махсус автогидрокўтаргичларни сотиб олди.

(ЎзА).

Тошкентнинг ноёб обидалари. Кўкалдош мадрасаси.

Шамсиддин ДУНАСАРИЙ

ОДАМНИ БИЛИШ ИЛМИ

Ҳар куни турли-туман одамлар билан муомалада бўламиз, турфа қиёфали кишиларга дуч келамиз. Бировни кўрсангиз узун қадду қоматли, секин, салобат билан қадам ташлаб юради. Бошқасига қарасангиз, паст бўйли, кўллари ҳам калта, серғуштли, қорни катта, тез-тез қадам ташлаб пилдираб юради. Учинчи бир одам ўрта бўйли, юзининг тузилиши отбашара, сочлари майин, елкаси бақувват, келишган. Биров кўк кўзли, биров қўй кўзли, биров қора кўзли. Бировнинг чеҳраси хандон, бошқаси тунд, учинчи бир одам ўйчан. Бировнинг баданида туки кўп, биров сип-силлиқ — арчилган тухумдай. Бировнинг овози йўғон, дўриллаган, бошқа одам эса нозик, ингичка овоз билан гапиради. Хўш, одамларнинг ана шу турли-туманлиги, суратларнинг ҳар хиллиги, уларнинг ички олами, сийрати ва хулқи хўйи билан боғлиқми? Бошқача айтганда, одамнинг қиёфасига қараб унинг яхши-ёмонлиги, мард-номардлиги, заифкучлилигини аниқлаш мумкинми?

Қадим донишмандларимиз бу саволлар устида узоқ бош қотириб, одамнинг қиёфасидаги ташқи белгилардан уларнинг хислат ва хусусиятини билиб олиш мумкин, деган хулосага келганлар. Бу ҳақда турли китоблар битилган. Арасту, Афлотун, Бузургмеҳр, Луқмони ҳаким ҳақида ҳикояларда ҳам қиёфага қараб одамни таниш мумкинлиги айтилади. Умуман, одамнинг қиёфаси кўп нарсага башорат этади. Қуйида шу ҳақда фикр юритилади.

ТАШҚИ БЕЛГИЛАР

Агар одамнинг хулқ-атвори, таъби, назокати, шаклу суратини билсангиз, унинг яхшию ёмонлигини тушуна бошлайсиз. Бу, албатта, ҳаётда катта наф беради, Сизни бало — қазолардан асрайди.

Суҳбатдошингизга бутун вужудингиз билан секин разм солиб, далилу ҳужжатлардан доимо огоҳ бўлинг, токи Сизнинг ҳукм ва қазоватингиздан, одамшунослигингиздан кейинроқ саҳв-хато топишмасин.

● Агар киши шермонанд бўлса, у жасур, қаҳрли, ҳам шарм ҳаёли бўлади.

● Агар қоплоннусха бўлса, кибр-ҳаволи, очкўз бўлади.

● Агар тунгизсифат бўлса, сержаҳл ва жанжалкаш бўлади.

● Агар айиқсимон бўлса, беҳиммат, пасткаш, бевафо ва аҳдини бузадиган бўлади.

● Агар ов итига ўхшаса, орномуслидир, аммо сал-пал алдашга мойил бўлади.

● Агар отга ўхшаб кетса, кибр-ҳаволи, гердайган, аммо мол-давлати кўп бўлади.

● Агар тулкишакл бўлса, ҳийлагар, фирибгар, вафосиз ва аҳдида турмайдигандир.

● Агар қўйга ўхшаса соддадил, ростгўй, аммо алданадигандир...

● Агар эчкинусха бўлса, аблаҳ, ўта очкўз, шаҳватпараст ва хотинбоздир.

● Агар эшаксурат бўлса, орномуссиз, бетамиз ва аҳмоқдир.

● Агар бургутшакл бўла, диловар ва шерюракдир.

КЎЗ

● Кўз равшан бўлса, қалбнинг оқлиги, хуш-хуррамлиги белгисидир.

● Кўз телбанамо бўлса, аҳмоқ ва бефаҳмлигидан нишонадир.

● Кўз кичик бўлса, ожизлик ва ғам-андуҳга ботганлик белгидир.

● Кўз йирик бўлса, аблаҳ ва нодонликдан далолатдир.

● Кўз ҳаракатсиз, хира бўлса ҳам аблаҳликнинг далилидир.

● Кўз ёшли бўлса, яхшиликка мойиллигидан белгидир.

● Кўз қуруқ бўлса, киши тошюрак, беақл, фаҳмсиз ва шармсиз бўлади.

(Давоми келгуси сонда)

Ойнаи жаҳонда

12 — 18 февраль

ДУШАНБА, 12

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
7.30 «Ҳафтанома».
8.00—8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» (давоми).
*
8.30 Муборак Рамазон туҳфаси: «Муҳаммадун Расуллуллоҳ». 2-фасл. 23-қисм.
9.10 «Қовоқвой ва Чаноқвой». Йўлдош Охунбобоев номидаги Ёш томошабинлар театрининг спектакли.
10.20 «Италия таассуротлари». 3-кўрсатув.
10.45 «Маърифат маскани». Мактаб, оила, жамоатчилик.
11.15 Дони Зокиров номидаги халқ чолғу оркестрининг концерти.
11.45—13.00 «Холодильникда кимдир бор». Бадиий фильм.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
Публицистик кўрсатувлар дастури:
18.10 1. «Миллат».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 2. «Биржа ва банк хабарлари».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.50 Эълонлар.
20.55 3. «Миллат» публицистик кўрсатувининг давоми.
21.30 Муборак Рамазон туҳфаси: «Муҳаммадун Расуллуллоҳ». 2-фасл. 24-қисм.
22.10 «Миллат» публицистик кўрсатувларининг давоми.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.50—00.25 Аҳмаджон Дадаев куйлайди.

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.50 «Палитра».
19.15 ТВ II намойиш этади.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 «Мўъжиза». Дэвид Копперфильд.
20.15 «Мусиқий йўлка».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.50 Эълонлар.
20.55 «Курьер».
21.15 «...яна об-ҳаво ҳақида».
21.25 ТВ II намойиш этади.
21.35 «Уфқлар».
21.55 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.15 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
23.05—00.05 «СПОРТ-ҚИТЪАСИ».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Нилуфарлар гуллаганда». Телефильм.
*
Россия жамоат телевидениеси
18.20 — 21.40
*
Россия давлат телевидениеси
21.40 — 23.20
*
23.20 Эълонлар.
23.25 Янгиликлар.
23.30 — 00.05 «Уй». Телефильм.

IV

17.05 «Кўзмунчоқ». Болалар учун кўрсатув.
17.35 «Сизга таъзим».
18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
*
19.55 Эълонлар.
20.00 «Тафсилот».
20.15 «Шифокор билан мулоқот». Бевосита мулоқот.
20.55 «Юлдузлар жилоси». Покистон киноси юлдузлари.
21.30 «Спорт-тайм».
22.00 Эълонлар.
22.05 «Таҳлил».
22.20 «Сакура гуллаганда». Ўзбекистон ва Япония маданияти соҳасидаги ҳамкорлик ҳақида.
23.00 — 00.10 «Аёллар сулоласи». Бадиий фильм.

ҚозТД

7.55 «Ҳафтанома». 8.55 Телетеатр. Артист Жумагул Мейрамова. 9.45 «Оила». Бадиий фильм.
* * *
17.00 Мультфильм. 17.10 «Соҳибжамол». Телесериал. 18.00 «Гутен абенд!» Немис таҳририяти кўрсатуви. 19.00 «Дадил ва хушрўй кимсалар». Телесериал. 21.05 «Дийдор». 21.35 «Эн-шашу». 22.00 «Ортеке». Дам олиш дастури. 22.35 Мусиқий клип-совға. 22.45 «Ҳуқуқ-тартибот».

СЕШАНБА, 13

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
7.30 «Ахборот».
7.50—8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» (давоми).
*
8.30 Муборак Рамазон туҳфаси: «Муҳаммадун Расуллуллоҳ». 2-фасл. 24-қисм.
9.10 «Биржа ва банк хабарлари».
9.30 «Нафосат». Кинодастур.
10.10 Болалар учун. «Оқ руҳ».
Ўқув машғулотлари:
10.30 Адабиёт.
11.00 Немис тили.
11.30 Она тили.
*
12.00 «Ёшлик» студияси. «Мактубларингизни ўқиб...».
12.30—14.05 Ж. Маҳмудов. «Садоқат». Олим Хўжаев номидаги Сирдарё вилоят театрининг спектакли.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Кичкинтой» студияси намойиш этади: «Доно бобо даврасида».
18.40 Футбол шарҳи.
18.55 «Бугунги Европа». Публицистик кўрсатув.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 «Деҳқонга ким қайишади?» Публицистик кўрсатув.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.50 Эълонлар.
20.55 «Санъат дўстликка чорлайди». «Суғдиёна» камер оркестри — Германияда.
21.40 Муборак Рамазон туҳфаси: «Муҳаммадун Расуллуллоҳ». 2-фасл. 25-қисм.
22.20 Ислом маданияти қўшиқлари.
22.35 «Кино усталари». Ўзбекистон халқ артисти Ҳикмат Латипов.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.50—00.30 «Ғазалхон ёшлигим». Тележурнал.

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.25 ТВ II намойиш этади.
18.35 «Тропиканка». Телесериал (Бразилия).
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 «Хай-Фай» («Юқори сифат»).
20.00 «Мусиқий йўлка».
20.10 «АРТ — журнал».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.50 Эълонлар.
20.55 «Видеогид».
21.15 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.35 «Кинонигоҳ».
23.15—00.15 «СПОРТ-ҚИТЪАСИ».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Буюк Ипак йўли». Телефильм.
*
Россия жамоат телевидениеси
7.30 — 9.00
* * *
18.20 — 21.40
*
Россия давлат телевидениеси
21.40 — 23.20
*
23.20 Эълонлар.
23.25 Янгиликлар.
23.30 — 23.50 «Бу ажиб дунё».

IV

17.05 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
17.55 «Войгач». Телефильм.
18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
*
19.40 «Мультикарусель».
19.55 Эълонлар.
20.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.50 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари.
21.10 «Халқ манфаати йўлида». Тошкент шаҳар ҳокими К. Н. Тўлаганов иштирокида бевосита мулоқот.
21.50 Эълонлар.
21.55 «Соккер-клуб». Футбол шарҳи.
22.45 — 00.15 «Кинематограф».

ҚозТД

8.40 «Дадил ва хушрўй кимсалар». Телесериал. 10.10 «Ортеке». Дам олиш дастури. 10.45 «Шайтон кўприк». Бадиий фильм.
* * *
17.00 Мультфильм. 17.10 «Ислом таълими». 17.45 «Сизда ҳуқуқ бор». 18.05 Қозоқ эли. 18.35 Жамбул таваллудининг 150 йиллигига. 19.00 «Дадил ва хушрўй кимсалар». Телесериал. 21.35 «Овозингни соғиндим». Саут Абусеитов. 21.50 «Қум соат». Спорт янгиликлари. 22.00 «45 дақиқа». 22.45 «Ҳуқуқ-тартибот».

ЧОРШАНБА, 14

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
7.30 «Ахборот».
7.50—8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» (давоми).
*
8.30 Муборак Рамазон туҳфаси: «Муҳаммадун Расуллуллоҳ». 2-фасл. 25-қисм.
9.10 «Санъат дўстликка чорлайди». «Суғдиёна» камер оркестри — Германияда.
9.55 «Янги алифбони ўрганамиз».
10.25 «Кино усталари». Ўзбекистон халқ артисти Ҳикмат Латипов.
11.15 «Ёшлик» студияси. «Талабалик йилларим».
11.45 — 13.45 «Бешинчи давон». Видеоканал.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Сеҳрли муйқалам».
18.30 Спорт хабарномаси.
18.40 «Адолат». Тележурнал.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 «Иқтисод чорраҳаларида». Тележурнал.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.50 Эълонлар.
20.55 «Туркистон — умумий уйимиз». Публицистик кўрсатув.
21.35 Муборак Рамазон туҳфаси: «Муҳаммадун Расуллуллоҳ». 2-фасл. 26-қисм.
22.15 «Эъзоздаги қўшиқлар». Мусиқий дастур.
23.05 «Ўзбектелефильм» кўрсатади: «Музей».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.50—00.40 Э. Воҳидов. «Руҳлар исёни». Телеспектакль.

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.30 ТВ II намойиш этади.
18.40 «Кулгига нима етсин!».
19.05 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 «Компьютер—Осиё».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.50 Эълонлар.
20.55 «Ҳайвонот оламининг сирлари».
21.45 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
22.55—23.55 «СПОРТ-ҚИТЪАСИ».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Аслар оҳанги», «Тошкент жилолари». Телефильмлар.
*
Россия жамоат телевидениеси
7.30 — 9.00
* * *
18.20 — 21.40
*
Россия давлат телевидениеси
21.40 — 23.20
*
23.20 Эълонлар.
23.25 Янгиликлар.
23.30 — 23.50 «Мангуликни куйлайман». Владимир Михайлов.

IV

17.05 «Подиум».
17.25 «Уй остонадан бошланади».
18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
19.40 «Мультикарусель».
19.55 Эълонлар.
20.00 «Самарали изланишлар».
20.30 «Иштирок этувчилар». Санъат арбоблари ҳақида кўрсатув.
21.00 «Кимга қанақа?»
21.40 «Кўзларимга тўтиё Ватан!». Саудия Арабистонилик ватандошимиз Абдул Ҳаким Исмоил ўғли ҳақида телеочерк.
22.10 Эълонлар
22.15 «Тошкент оқшоми».
23.15 — 24.00 «Интерпартнёр».

ҚозТД

8.40 «Дадил ва хушрўй кимсалар». Телесериал. 9.10 «Қум соат». Спорт-янгиликлари. 9.20 «45 дақиқа». 10.05 «Шокаримнинг сўнгги кузи». Бадиий фильм.
* * *
17.00 Мультфильм. 17.10 «Соҳибжамол». Телесериал. 18.00 «Тадбиркорнинг машаққатли насибаси». 18.15 «Минус» дастури. 19.00 «Дадил ва хушрўй кимсалар». Телесериал. 21.05 Адабий телеальманах. 22.00 «Чорраҳа». Телесериал. 6-серия. 22.30 Концерт. 22.45 «Ҳуқуқ-тартибот».

ПАЙШАНБА, 15

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
7.30 «Ахборот».
7.50—8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» (давоми).
*
8.30 Муборак Рамазон туҳфаси: «Муҳаммадун Расуллуллоҳ». 2-фасл. 26-қисм.
9.10 «Иқтисод чорраҳаларида». Тележурнал.
9.30 «Эъзоздаги қўшиқлар». Мусиқий дастур.
10.20 «Оддий кун». Телефильм.
Ўқув машғулотлари:
10.30 Ботаника.
11.00 Ўзбек тилини ўрганамиз.
11.30 География.
*
12.00 Ишбилармон. «Мулк эгасини топганда».
12.20 — 12.50 «Шифокор экрани». Ёш болаларда ўткир зотилжамнинг кечиши ва унга ташхис қўйиш.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Ислоҳот ва масъулият». Эзгулик йўлида.
18.45 Мусиқий дақиқалар.
18.55 «Чорраҳа»: «Йўл интизомни ёқтиради».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 «Юзма-юз». Шоир Муҳаммад Юсуф билан мулоқот.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.50 Эълонлар.
20.55 «Жонона келибдур». Ўктам Аҳмедов ва Рошел Рубинов.
21.40 Муборак Рамазон туҳфаси: «Муҳаммадун Расуллуллоҳ». 2-фасл. 27-қисм.
22.25 «Хотира». Саида Зуннунова.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.50—00.25 «Олам ва одам». Маърифий кўрсатув.

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.35 «Тропиканка». Телесериал (Бразилия).
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 «Автосалон».
20.10 «Сизнинг услуб».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.50 Эълонлар.
20.55 «Бони М» Тошкентда.
21.40 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.00 «Кинонигоҳ».
23.40 —00.20 «СПОРТ-ҚИТЪАСИ».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Самарқанд», «Билдирсой». Телефильмлар.
*
Россия жамоат телевидениеси
7.30 — 9.00
* * *
18.20 — 21.40
*
Россия давлат телевидениеси
21.40 — 23.20
*
23.20 Эълонлар.
23.25 Янгиликлар.
23.30 — 24.00 Телефильм.

IV

17.05 «Қора кундуз изидан», «Бурятия жилолари». Телефильмлар.
17.30 «Рақслар қанотида».
18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
*
19.40 «Мультикарусель».
19.55 Эълонлар.
20.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.50 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
21.50 «Алламбало».
22.25 — 00.05 «Кинематограф».

ҚозТД

8.40 «Дадил ва хушрўй кимсалар». Телесериал. 9.10 «Ул ажиб лаҳзалар хотирда ҳамон...» Фильм-концерт. 10.15 «Муслима». Бадиий фильм. 11.00 Концерт.
17.10 «Бурилиш». 17.35 «Коре сарам». Корейс таҳририяти кўрсатуви. 18.05 «Чегаралар». 18.30 «Оқ Урда». 19.00 «Дадил ва хушрўй кимсалар». Телесериал. 21.05 «Глобус». 21.30 Гулнора Шамсиева концерти. 21.50 «Қум соат». Спорт янгиликлари. 22.45 «Ҳуқуқ-тартибот». 23.20 «Мальборо-мотор». Телешоу.

ЖУМА, 16

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
7.30 «Ахборот».
7.50—8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» (давоми).
*
8.30 Муборак Рамазон туҳфаси: «Муҳаммадун Расуллуллоҳ». 2-фасл. 27-қисм.
9.15 «Халқ ижодиёти». Фарғона вилояти Учкўприк тумани «Тановар» ашула ва рақс ансамблининг концерти.
9.50 «Нодир хазина». Кинодастур.
Ўқув машғулотлари:
10.30 Физика.
11.00 Немис тили.
11.30 Математика.
*
12.00 «Хотира». Саида Зуннунова.
13.00—14.30 «Нурли келажак». Видеоканал.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Синфдош». Тележурнал.
18.35 Ҳаёт ва қонун. «Фуқаролик жамияти: У қандай бўлиши керак?». Суҳбат.
18.55 «Санъат олами». Ганчкор Умаржон Тоҳиров.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 М. Орипов. «Нодир металлар — Ўзбекистон тамғаси билан». Телерепортаж.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.50 Эълонлар.
20.55 «Рамазон қўшиқлари».
21.10 Муборак Рамазон туҳфаси: «Муҳаммадун Расуллуллоҳ». 2-фасл. 28-қисм.
21.55 «Назм ва наво». Бобур лирикаси.
22.55 «Галатепалик авлиё». Қисқа метражли телевизион бадиий фильм.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.50—00.40 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи».

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Эртак». Болалар учун дастур.
18.45 «Ривоят».
18.50 «Жума тақвими».
18.55 «Эртага — шанба».
19.10 «Оҳанглар оғушида».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 «RAKS» қўшиқлари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.50 Эълонлар.
20.55 «Тасвир».
21.20 «Таманно».
21.30 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.10 — 23.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Ҳайкалтарош Илҳом Жабборов», «Менинг республикам». Телефильмлар.
Россия жамоат телевидениеси
7.30 — 9.00
* * *
18.20 — 21.40
Россия давлат телевидениеси
21.40 — 23.20
*
23.20 Эълонлар.
23.25 Янгиликлар.
23.30 — 24.00 «Шоҳсупа сари».

IV

17.05 «Хаёлпарастлар». Бадиий фильм.
18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
19.40 «Мультикарусель».
19.55 Эълонлар.
20.00 «Китоб растаси».
20.15 «Бизнес-академия».
20.40 «Глобус».
21.20 «Билиб қўйган яхши».
21.45 Эълонлар.
21.50 «Компьютер-ревю».
22.15 «Эллада».
22.55 «Мусиқий меҳмонхона».
23.35 — 00.35 «Янги технология дўкони» (янги компьютер технологияси).

ҚозТД

8.40 «Дадил ва хушрўй кимсалар». Телесериал. 9.10 «Қум соат». Спорт янгиликлари. 9.20 «45 дақиқа». 10.05 «Қўрмонғози». Бадиий фильм.
* * *
17.00 Мультфильм. 17.10 «Соҳибжамол». Телесериал. 18.00 «Гутен абенд!». Немис таҳририяти кўрсатуви. 18.35 «Қонун ва биз». 19.00 «Дадил ва хушрўй кимсалар». Телесериал. 21.05 «Миллион» дастури. Бизнес ва аҳолининг иш билан таъминланиши. 22.45 «Ҳуқуқ-тартибот».

ШАНБА, 17

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
7.30 «Ахборот».
7.50 — 8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» (давоми).
*
8.30 Муборак Рамазон туҳфаси: «Муҳаммадун Расуллуллоҳ». 2-фасл. 28-қисм.
9.15 «Шоҳсупа». Бокс бўйича Ўзбекистон чемпионлари.
10.15 «Санъат гунчалари».
10.45 Т. Содиқова. «Аёл қалби». Адабий композиция.
11.05 «Суғдиёна қизлари». Бадиий фильм.
12.20 «Тараннум». Мусиқий дастур.
12.50—13.20 «Бу дамлар ўхшар эртакка».
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Умид учқунлари». Тележурнал.
18.25 «Сирли сандиқ». Телевизион ўйин.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Оқшом эртаклари.
20.00 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.15 «Бу ажиб дунё».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.50 Эълонлар.
20.55 «Ўзбекистон — Ватаним маним». Мусиқий дастур.
21.25 Муборак Рамазон туҳфаси: «Муҳаммадун Расуллуллоҳ». 2-фасл. 29-қисм.
22.10 «Саҳна ҳаёти». Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Дилбар Исмоилова.
23.10 «Тунги ёғду». Дам олиш кинодастури.

II

9.00 «Мультфейерверк».
9.15 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
9.35 «Компьютер — Осиё».
10.10 «Ҳайвонот оламининг сирлари».
11.00 «Автосалон».
11.20 «Сизнинг услуб».
11.35 «Бони М» Тошкентда.
12.40 «Кинонигоҳ».
14.20—15.00 «СПОРТ-ҚИТЪАСИ».
***
18.00 «Совға».
18.30 Эълонлар.
18.35 «Олам».
18.55 «Оҳанглар оғушида».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 «Ишингиз бароридан келсин!»
20.05 «Имкон чўққилари».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.50 Эълонлар.
20.55 «Кўнгил». Дилшод Шамснинг муаллифлик кўрсатуви.
21.20 Видео янгиликлари.
21.40 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.00 — 23.40 Видео — «О».

III

17.50 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
17.55 Телефильмлар.
Россия жамоат телевидениеси
18.20 — 21.40
*
Россия давлат телевидениеси
21.40 — 23.20
*
23.20 Эълонлар.
23.25 — 23.50 «Жонли сайёра».

IV

10.00 «Пеппи — узун пайпоқ». Болалар учун фильм. 2-серия.
11.05 Эълонлар.
11.10 «Дарсга қўнғироқ».
11.40 «Мюзик холл».
12.10 «Безнен мирас» (татар тилида).
12.50 — 13.05 «Майда-чуйда».
***
17.00 «Марк Твен қарши...». Бадиий фильм.
18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
19.40 «Сиёҳдонча». Болалар учун дастур.
20.00 Эълонлар.
20.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.55 «Телеташриф».
21.10 «Бугунги Европа».
21.30 «Олам ва одам».
22.05 «Пульс».
22.20 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар».
22.40 «Бу ажиб дунё».
23.00 — 00.30 «Кинематограф».

ҚозТД

7.05 «Хабар». Ахборот кўрсатуви. 7.55 «Дадил ва хушрўй кимсалар». Телесериал. 8.25 Мультфильм. 9.00 «Олтин дала». Телеомад. 9.50 Болалар учун фильм. «Ақам учун келин». 11.00 Концерт майдони. 12.10 «До-ре-ми». Фильм-концерт. 12.50 Қозоғистон телевидениеси хазинасидан. 14.20 «Қозоқтелефильм» намойиш этади... 15.00 Телевидение концерт зали. «Рус романси». Люция Тулешева. 15.20 Телефильм. 16.00 «Мальборо-мотор». Теле-шоу. 16.20 «Тоғлик». Телесериал. 21-серия. 17.15 «НР» иши. 18.10 «Ютуқ» салони. 18.25 «Мусиқали танафус». 19.00 «Сирли ва жумбоқли дунё». 21.05 «Янги номлар». 21.50 «Қум соат». Спорт янгиликлари. 22.00 Кинонинг 100 йиллигига. 23.20 «Мусиқий саёҳат» намойиш этади: «Жин ургур, 13».

ЯКШАНБА, 18

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
7.30 «Ахборот».
7.50 — 8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» (давоми).
*
8.30 Муборак Рамазон туҳфаси: «Муҳаммадун Расуллуллоҳ». 2-фасл. 29-қисм.
9.15 «Компьютер сабоқлари».
9.45 «Най». Телефильм.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
12.30 «Шоҳрух» клуби.
13.00 «Ташриф». Дам олиш дастури.
13.40 «Сирли сандиқ». Телевизион ўйин.
14.40 — 15.40 «Инсон ва замин». Тележурнал.
***
Ёшлар ва спорт кўрсатувлари ижодий дирекцияси намойиш этади:
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Спорт хабарномаси.
18.10 «Замон».
18.25 «Ёшлар билан юзма-юз».
19.05 «Ойнаи жаҳонда...»
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 «Саёҳатнома». «Италия таассуротлари». 4-кўрсатув.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ҳафтанома».
21.00 Эълонлар.
21.05 «Футбол майдонларида».
21.35 Муборак Рамазон туҳфаси: «Муҳаммадун Расуллуллоҳ». 2-фасл. 30-қисм.
22.30 «Ўхшаш чеҳралар». Дам олиш дастури.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ҳафтанома».
24.00—00.40 «Қувноқ трамвай». Юмористик кўрсатув.

II

9.00 «Эртак».
9.30 «Ривоят».
9.35 «RAKS» қўшиқлари.
10.10 «Тасвир».
10.35 «Таманно».
10.45 «Олам».
11.30 «Оҳанглар оғушида».
11.35 «Виждон». Телесериал (Миср Араб Республикаси).
12.20 «Имкон чўққилари».
12.40 «Кўнгил».
13.15 Видео янгиликлари.
13.35 Оҳанглар ва Эълонлар.
13.55 Видео — «О».
15.30—16.15 «СПОРТ-ҚИТЪАСИ».
*
18.00 «Келгуси ҳафтада».
18.10 Эълонлар.
18.15 Болалар учун. «LEGO» сайёраси».
18.40 «Виждон». Телесериал (Миср Араб Республикаси).
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 «Салом, ёшлар!».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ҳафтанома».
21.00 Эълонлар.
21.05 «Илҳом сатрлари».
21.10 «Фармед».
21.20 «Оҳанглар оғушида».
21.30 «Шахс ва баҳс».
21.50 «Даракчи».
22.00 «Келгуси ҳафтада».
22.10 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.30 — 00.10 Видео — «О».

III

17.50 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
17.55 «Кандакор», «Музей». Телефильмлар.
Россия жамоат телевидениеси
18.20 — 22.50
*
Россия давлат телевидениеси
22.50 — 23.20
*
23.20 Эълонлар.
23.25 — 23.50 «Панорама».

IV

10.00 «Эй! Тонгингиз хайрли бўлсин!»
10.30 «Эртакларнинг сеҳрли олами».
12.00 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
12.15 «Менинг кучам».
12.30 Эълонлар.
12.35 «Эсдалик учун дастхат».
13.00 — 14.30 «Бировнинг хати». Бадиий фильм.
* * *
17.10 «Хонадонингизда осойишталик бўлсин».
*
18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
*
19.40 «Сиёҳдонча». Болалар учун дастур.
20.00 Эълонлар.
20.05 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
21.05 «Сенинг вақтинг».
21.30 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар».
21.50 «Сиз учун куйлайман». Ўзбекистон санъат арбоблари билан учрашув.
22.35 «Бу ажиб дунё».
22.55 — 00.25 «Кинематограф».

ҚозТД

7.05 «Хабар». Ахборот кўрсатуви. 7.55 Мультфильм. 8.20 «Тоғлик». Телесериал. 21-серия. 9.40 «Алатау» намойиш этади. 10.00 «Сиҳат-саломатлик» дастури. 10.20 Қозоғистон телевидениеси хазинасидан. 11.00 «Товушлар музейи». 11.20 Бизнинг кино. «Айланайин». Бадиий фильм. 12.30 «Илдизлар тақдири». Телефильм. 13.00 «Аёл, оила, бола». 14.00 «Замин соҳиби». 14.30 Жамбул таваллудининг 150 йиллигига. Адабий кўрсатув. 15.10 «Хотира архиви». 15.45 Концерт. 16.00 «Соҳибжамол». Телесериал. 17.00 Халқаро объектив. 17.20 «Имкон». Ёшлар учун кўрсатув. 17.50 «Минус» дастури. 18.05 Футбол олами. 18.25 «Азия дауси» студияси. Сунгги суз. 19.00 «Чорраҳа». Телесериал. 7-серия. 20.00 «Ҳафтанома». Ахборот кўрсатуви. 21.20 «Томоша-тортишув». 21.50 Театр поэзияси.

Қиш манзаралари

Қор ёғдию қор ёғди
Юмшоққина пар ёғди.
Дарахтлару ерларга
Ҳар ён баробар ёғди.

Қиш ҳавоси топ-тоза
Қорда юриш ҳуп мазза!

Абдувоҳид ТЎРАЕВ
сурат-лавҳаси.

Театр

ТАНҚИДЧИЛАР ҚАРСАК ЧАЛВОРДИ

Самарқандда театр студиялари сони яна биттага қўпайди. Дастлаб вилоят «Овози Самарқанд» рўзномаси қошида тузилиб кўп ўтмай мустақил ижодий жамиятга айланган шу номдаги театр томошабинлар ҳукмига илк спектаклни ҳавола этди.

Санъатшунос танқидчилар томонидан илиқ кутиб олинган бу саҳна асари «Одам қиёфасидаги қўнғироқ» деб номланган. Унда янги жамиятда янгича кун кечириш муаммолари, турмуш қийинчиликларини енгиб ўтиш, ҳаётга енгил-елпи қарашлардан, боқимандалик кайфиятларидан узил-кесил қутилиш ҳақида фикр юритилади.

Спектаклдаги асосий ролларни ёш, иқтидорли актёрлар Жаҳонгир Нарзиқулов, Фурқат Ғозиев, Наргиза Шаҳриёрова ва бошқалар моҳирлик билан ижро этишган. Театр бош режиссёри Тожикистонда хизмат кўрсатган артист Бурҳон Ражабовнинг таъкидлашича, илк муваффақият ижодкорларни янги, янада сермазмун асарларни саҳнага олиб чиқишга руҳлантирмоқда. Кўп миллатли Самарқанд маданияти, санъатини ривожлантиришга ҳисса қўшаётган «Овози Самарқанд» театри маҳаллий ижодкорлар билан яқин ҳамкорлик алоқаларини ўрнатган. Яқин орада ҳажвчи Исо Абдураҳмонов, масалнавис шоир Ғулом Али, драматург Яздон Ҳудойқуловларнинг янги спектаклари саҳна юзини кўради.

Зоҳир ТЎРАҚУЛОВ,
«Адолат»нинг ўз мухбири.

Назм дафтаридан

ҲАЛОЛЛИКДАН КЕЛГАН БАХТ

(Эртак)

Насрдамас, назмда,
Обод юрти азимда,
Яшаганин бир подшоҳ,
Этайин сизни оғоҳ.
Қартайиб бўлгач хаста.
Дустин чақириб аста,
Сўзлабди, унга: — беҳад
Бўлсам ҳам бой, бадавлат,
Аммо даврим ўтмоқда,
Кунда куним битмоқда.
Халқимнинг тўқлиги ҳам,
Зурёдим йўқлиги ҳам,
Мени солар ташвишга,
Мендан сўнг барча ишга,
Ким бўлар экан сардор,
Ўйлайман ётиб бедор.
Мен кетгач халқим нолиб,
Юрмасин қашшоқ қолиб,
Узимдан сўнг мард ўғлон,
Бўлсин дейман шоҳзамон.
Синалсин-чи, халойиқ
Қани, ким тахтга лойиқ?
Сўзласин ҳар бир киши,
Уз қилмишу, ўз ишин...
Шундай дея шоҳзамон
Чиқармиш қизиқ Фармон.
«Шу пайттача бу элда,
Яхшилик бўлса дилда,
Лойиқ эди олқишга.
Бош қўшдим битта ишга:
Олқишланмай тўғрилар,
Ҳадя олсин ўғрилар,
Порахўр ёлғончилар,
Энг ошиғи олчилар,
Элимдаги ҳар киши,
Бўлса гар қингир иши,
Келиб бир-бир тан олсин,
Эвазига дон олсин,
Чор атрофда қизиқ ҳол,
Бу Фармондан ҳамма лол,
Аммо мукофот тайин,
Ҳамма ўйлаган сайин,
Ўйига етолмасмиш,
Ўйига кетолмасмиш.
Сарой ёни тўрт томон,
Тўлиб кетган оламон.
Ўртада катта хирмон,
Ўйилган бир тоғча дон,
Одамлар бир-бир эслар
Пора олган қай кезар,
Ёлғон сўзлаганидан,
Фойда кўзлаганидан,
Хатто энг кичик ёлғон,
Мукофотга олар дон,
Бир ҳовучми, бир халта
Зарар қилмас албатта,
Зўр бериб иллатларга
Сотилар қимматларга,
Қабиҳлик ва разолат,
Ҳатто энг жирканч одат.
Атрофда ҳамма қувноқ
Маъюс тортар фақат шоҳ,
Ҳеч тугамас халойиқ,
Қани ким тахтга лойиқ?
Ўйлайди ўзича шоҳ,
Сесканиб кетиб ногоҳ,
Биров ортга қайтади.
Недир эслаб айтади.
Кўпиртириб лабини,
Дон деб сўзлар гапини,
Олгач, халтага қўшар
Яна йўлига тушар.
Биров лоф уриб жўшар.
Тўғри ҳам ёлғон қўшар.
Тўғри ҳам олай дер дон,
Сўзласа ҳам минг ёлғон.
Шоҳ ҳар кун бундан ўтар,
Навбат тугашин кутар,
Навбат тугамас аммо,
Яна чиқар муаммо,
Давлат донин кемириб,
Ҳамма мешдек семириб
Кетган. Хирмондаги дон
Камаймоқда беомон.
Шоҳ мамлакат кезади,
Қалбин ўкинч эзади,
Йўқдир гариб бечора,
Ҳамма бирдек овора,
Билолмайин сонини,
Сарištалар донини,
Фақат биргина қишлоқ,
Жонсиздек жим-жит мутлоқ,
Унга шоҳ кирар аста,
Одамлар ночор, хаста,
Ҳаммаси юрар базўр:
Бир чол ҳунграр: бунча шўр,
Пешонамиз, бу не ҳол,
Тўғрилик топса завол,
Тўғри элда хор бўлса,
Хатто нонга зор бўлса,
Қишлогимиз йўлбоши,
Энг порлаган қуёши,
Хумоюн деган ўғлон,
Очликдан бермоқда жон,
Сўнгги бурда нонини,
Нони эмас жонини,
Сағирларга улашди.
Ёлғон билан қурашди.
Тинглаб чолнинг сўзини,
Шоҳ тутолмас ўзини,
Титраб юзин босар тер,
Хумоюнни кўрай, дер.
... Хумоюн ётган хона,
Гўё қуёшдек ёнар.
Ўғлим дейди шоҳ секин,
Шу юртнинг шоҳиман мен,
Йиғит кўзин очар,
Унга нафратин сочар:
— Эй, нобакор золим шоҳ,
Сен қилдинг катта гуноҳ,
Қайси юртда айт қачон,
Рағбат топгандир ёлғон,
Ғолиб чиқиб эгрилик,
Хор бўлгандир тўғрилик.
Сен чиқарган бу Фармон,
Юртни айлагай вайрон.
Тўғри, —деди шоҳ секин,
Ғалати ишим лекин,
Санама мени нодон,
Мен чиқарган бу Фармон,
Атиги ҳийла эди...
Шоҳ давом этиб деди:
Синалганди халойиқ,
Энди тахтимга лойиқ,
Ворис топдим ўзимга
Ишонавер сўзимга,
Фармондан қилай оғоҳ,
Сен бўласан юртта шоҳ.
Шу заҳот бирдан само,
Гумбурлаб кетди, Хумо
Юзларига қон келди.
Қон эмас бир жон келди.
Подшо қўлидан ушлаб,
Уни жонидан хушлаб
Етаклар сарой томон,
Узида йўқ шоҳ шодон.
Кийдириб унга тожин,
Сўнгра ёзиб қўлочин,
Уни бағрига босар,
Катта дастурхон ёзар.
Хурсанд беҳад, шоҳ шодон,
Осмонда эса ҳамон
Чақнар момоқалдироқ
Сеҳр бошланиб шу чоқ
Ёлғонга келган донлар,
Ҳатто ёйилган нонлар,
Омбору, халталардан
Кичиғу, катталардан,
Жиғилдонларни тешар,
Ёлғончиларни эшар,
Бари ерга қорилар,
Қоринлари ёрилар,
Баландга отилар нон,
Ва нонга тўлар осмон,
Само, улкан кенг майдон.
Унга чиққан барча нон.
Булутларга жойланар,
Бўғдойларга айланар,
Шамол булутни соғар,
Бўғдой ёмғири ёғар.
Далаларга ўтлоққа,
Ҳар томонга, ҳар еққа,
Қутмасдан бир йил, бир ой.
Бошоқлар боглар бўғдой,
Ҳосил бўлади хирмон,
Аввалгидан минг чандон
Каттароқ. Ҳамма ҳайрон.
Бу қандай сирли эҳсон?!
Ҳеч қаерда, дунёда,
Уша юртдан зиёда
Топилмасмиш мамлакат,
Бундайин бой-бадавлат.

***

Насрдамас назмда,
Қайси юрти азимда,
Яшаганин бир подшоҳ,
Айладим бу кун огоҳ.
Тенгсиз ажабтовур юрт,
Сен уни ёдингда тут.
Сенга ҳам буюрсин тахт,
Ҳалолликдан келган бахт.

Кавсар ТУРДИЕВА.

Ранг-баранг олам

КУЛГИ ЎСИМЛИГИ

Арабистонда усадиган бир ўсимликни маҳаллий аҳоли «Кулги ўсимлиги» деб аташади. Агар одам унинг нухотдек келадиган қора тусли меваси-ни еса 20—30 дақиқа давомида ўзини кулгидан тухтата олмайди.

СОЯБОН ДАРАХТ

Тожикистоннинг Комсомолобод қишлоғида 500 ёшли улкан чинор дарахти бор. Унинг тарвақайлаб усган шоҳлари 200 метрча жойга соя-салқин беради. «Соябон» дарахт тагида кутубхона, чойхона, ошхона, гараж ва турли хил омборлар жойлашган.

ЧАНГАЛЗОРДАН ТОПИЛГАН ҚАБИЛА

Перу давлатининг овчилари яқинда чангалзор орасидан, бундан 400 йил бурун йўқ бўлиб кетган ҳиндилар қабиласига дуч келиб қолдилар. Бу қабила Испания мустамлакачилари билан урушда йўқ бўлиб кетган эди. Амазонка дарёси қирғоқларидаги чангалзорларда яшириниб қолиб кетган бу ҳиндилар дунёдан бехабар яшамоқдалар.

ШИФОБАХШ ҚАЙИН

Дунёда қайин дарахтининг юздан ортиқ хили бор. Шулардан бири оқ қайиндир. У дунёда оқ пўстлоқли ягона дарахт ҳисобланади. Бетулин моддаси дарахт пўстлоғини оқартириб туради. Оқ ранг қуёш нурини қайтаради. Шунинг учун иссиқ кунларда ҳам оқ қайин танаси муздек бўлади. Унинг суви ташналикка даво ва шифобахшдир.

ДОВУЛНИНГ ФОЙДАСИ

Тарихдан маълумки, довул-бўронлар ҳаётда зарар етказиб келганлар. Ҳиндистоннинг Бховнигар портида кўтарилган довул порт иншоотларига ҳеч қандай зарар етказмади. Аксинча катта фойда келтирди. Довул бир неча дақиқа ичида ҳавза остидан бир неча минг тонна қум, тош ва қуйқани океанга олиб бориб ташлади. Натижада порт территорияси бир неча юз квадрат метрга кенгайди ва уч метрга чуқурлашди. Мутахассисларнинг ҳисоблашларича бундай ишларни бажариш учун камида икки йил вақт керак бўлар экан.

ДЕНГИЗДАГИ... МАКТАБ

Япония ороллари ер танқислиги тобора яққолроқ сезилаётганидан маҳаллий маъмурлар денгиздан фойдаланиш йўлларини ахтармоқдалар. Сунаки шаҳрида бу борада илк қадам қўйилди. Денгизда бетон қозиқлар устида... мактаб қурилди. Бу ердан жой тегмаган дунёдаги ягона мактабдир.

Тўпловчи МАДАМИН РАЖАБ.

02 Хабар қилади

ГИЁҲФУРУШЛАР «ТОЗАЛАШ»ДАН ЎТОЛМАДИ

17 январь куни Қунғирот шоҳбекати тармоқ ИИБ ходимлари томонидан Туркманистон фуқароси Суна Отаева қўлга олинди. Милиция ходимларининг шубҳаси тасдиқланиб, ундан 750 грамм миқдорда марихуана афюни тортиб олинди.

20 январь куни эса Андижон шоҳбекати милиция ходимлари томонидан «Тозалаш» тадбири ўтказилиши жараёнида Россиянинг икки фуқароси гиёҳванд моддалар олиб кетишда гумон қилиниб ушландилар. Уларнинг бири — Москва вилояти, Реутов шаҳрида яшовчи Р. З. Таджибаевдан 500 грамм, иккинчиси воркуталик Ф. Г. Мавлоновадан 600 грамм гиёҳванд моддалар тортиб олинди.

БУҒДОЙ ЎҒРИЛАРИ ЭНДИ «НОН» ЕМАЙДИ

17 январь куни Самарқанд вилояти Булунғур бекатида электр пайвандлаш поездидан 900 сумлик бурчакли темирларни умараётган М. А. Штукарь деган шахс ушланди. Худди шу куни Мароқанд бекатида 25 метрли рельсни ўғирлаб кетганлиги учун О. Муҳаммадиев деган шахс Нақлиёт ИИБ ходимлари томонидан қўлга олинди.

Бухоро темир йўл бўлимида тузатувчи уста бўлиб ишловчи Х. Х. Давронов темир йўлни созлаш баҳонасида 15 та ёғоч шпал олиб, улардан фақат 7 тасини темир йўлни созлашга ишлатган холос. Қолган ёғоч шпалларини уйига олиб кетаётганида, Бухоро тармоқ милицияси томонидан ушланди.

Ўғрилар орасида не қийинчиликлар билан четдан олиб келинаётган бўғдойга, яъни элнинг ризқ-рузига кўз олайтираётганлар ҳам учраб турибди. Чунончи, 17 январь куни Азимов фамилияли шахс Ховос шоҳбекатида вагондан 150 килограмм бўғдойни умараётганда қўлга тушди.

Фаҳриддин АБДУРАЗЗОҚОВ,
Нақлиёт ИИБ ходими.

ШУБҲА ЎРИНЛИ ЧИҚДИ

Милиция сержантлари Шуҳрат Раимов ва Турғун Собировлар асли Самарқанднинг Хатирчи туманидан. Айни пайтда Шуҳрат Раимов Чилонзор тумани, Турғун Собиров эса Юнусобод тумани ички ишлар бошқармаларида хизмат қилишмоқда.

Мана, салкам 5 йилдирки, улар республикамиз пойтахтида жиноятчилик ва унинг уюшган турларига қарши курашиб, эл осойишталигини сақлашга ўз ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар. Кўп йиллик хизматлари давомида бир неча мураккаб жиноятни очишга муваффақ бўлдилар.

Яқинда Шуҳрат Раимов Чилонзор марказий савдо универсами атрофида фуқаро Файзиеванинг 1600 сум пули солинган сумкасини қўлидан юлиб қочган икки нафар усмирни ҳамкасблари билан ушлаб жабрланувчининг жонига оро кирди. Турғун Собиров эса шу йилнинг 3 январида кечаси Юнусобод туманининг 7-даҳасида ҳудуд нозири билан текшириш ўтказиб, шубҳали бир йигитни тўхтатди. Йигит безовталана бошлади. У ҳудуд нозирининг хизмат хонасига шахсини аниқлаш учун олиб келинганда, илгари ўғирлик қилиб, қидирувда юрган У. Сайфиддинов эканлиги маълум бўлди.

Ш. Раимов ҳамда Т. Собиров каби ўз хизмат бурчига виждонан ёндошиб келаётган милиция ходимлари жойларда ички ишлар бўлими ва бошқармалар раҳбарияти томонидан мунтазам равишда рағбатлантириб борилмоқда.

Суратда: (чапдан ўнгга) Юнусобод тумани Ички ишлар бошқармасининг муниципал бўлинмаси ходими, милиция сержанти Турғун Собиров ҳамда Чилонзор тумани ички ишлар бошқармаси муниципал милиция ходими, сержант Шуҳрат Раимовлар ҳамкорликдаги тадбир чоғида.

Ортиқ МАҲМАЮСУПОВ,
милиция лейтенанти.

Донолар бисотидан

ИЛМУ АДАБ ФАЗИЛАТИ

Инсон хатосиз бўлмас, лекин илм аҳлида хато бўлса уни тузатишга қодирдур. Хатосини тузатишга унинг ақли ёрдам берур.

Умар Хайём шундай дейди:

Ёшликда биз шогирд,
ўзгалар устод,
Сўнгра устоз бўлиб, дилни
эздим шод.
Сўзлаганда фасоҳат ҳам
илмдан,
Фикрдаги малоҳат ҳам
илмдан.

Ҳукамолар айтибдурлар: Дунёда тўртта лаззат бор. У нимадур? Емак, ичмак, никоҳ лаззати ва эшитиш. Аммо олдинги учта лаззатда ҳаракат, заҳмат, машаққат бор. Тўртинчисида безаҳмат, безиён, ҳатто роҳат бор. Оқиллар—олимларнинг сўзини эшитган инсон келажакда жамиятга катта фойда келтурур.

Изоҳ: Ҳар бир инсон оқиллар — олимлар, устозлар билан мулоқатда бўлиб, уларнинг сўзларини эшитса, бундай инсон ақлли одам деб ҳисобланадур. Бундай одамлар билан суҳбатлашсанг маза қиласан киши. Илм олиш, албатта эшитишга боғлиқдур.

Байт:

Илмдан яхшироқ хазина
бўлмас,
Қўлингдан келганча
тиришсанг бас.
Илм бойлигига тўймайди
одам,
Камаймас бошқага қанча
берсанг ҳам.

Улуғ олим Ибн Сино шундай деган экан: инсон ақлидрок билан сўзласа, одамлар орасида обрўга эга бўлур. Акс ҳолда «мен билимдонман» деб, олимлар орасида нолойиқ сўзларни сўзласа, ачинарли ҳолга тушиб, бу одам тутуриқсиз, бемаъни одам экан деган ном олур.

Абдуфаттоҳ ҳожи Набиҳўжа ўғли.

Оламнинг биз билмаган сир-синоатлари

ҚАЛБ КЎЗГУСИ БУ

Айтишларича, қадим замонларда ўз даврининг энг билимдон алломасига шундай савол беришган экан:

— Тақсир, билимингизни очмаган, мағзини чақмаган бирор синоат қолмагандир бу дунёда?

Аллома оппоқ соқолларини силаб, ўйга толибди. Сўнг шундай деб жавоб берган экан:

— Дунё синоатлари, айтайлик мана шунча, — у қўлидаги косага ишора қилибди, — Мен эгаллаган билим, ақл-фаросатим етиб борган жойи, бироз қўшиб айтадиган бўлсам, шу косадаги кўзга илинар-илинмас бир нуқта даражасидадир. Буларнинг барчаси жумбоғини очишга шу сир-синоатларни яратган ёлғиз Эгам қодирдир.

Уша аллома минг бор ҳақ эди. Ҳар биримизнинг ҳаётимизда шундай воқеалар бўлганки, уларни изоҳлашга ҳамон ақлимиз лол, фикримиз ожиз.

ДЎХТИР КЕРАКМАС

Бир куни умр йўлдошим менга юзланиб деди:

— Назаримда адамларнинг тоблари қочиб қолганга ўхшайди. Тушимда кўрдим, «вой қўлим-вой қўлим», деб ҳаммамизнинг исмимизни айтиб ёлворяптилар.

— Қизиқмисан, куни-кеча гаплашдим-ку, саломларини сизларга айтдим.

— Билмадим, юрагим безовта, касалхонага тушиб қолган кўринадилар.

— Тушга нималар кирмайди, дейсан, эҳтимол, кечаги у кишининг сизларга айтган гапларини ўйлаб ётгандирсан, шунинг акс садоси бўлган бўлса, ажаб эмас, — дедим-да, жиддий эътибор бермай хизматга кетдим.

Тушликка уйга келишим билан бону яна ўша гапни такрорлади.

Ке, хонимнинг кўнглини тинчитиб қўяқолай, дедим-да, телефон гўшагини олиб, Самарқандга сим қоқдим.

— Сизларни безовта қилмай қўяқолайлик деган эдик. Улар касалхонага тушиб қолдилар. Кечаси билан «вой қўлим, вой қўлим» деб чиқдилар. Оғзиларидан сизларнинг номингиз тушмади. Эрталаб «Тез ёрдам» чақиргандик. Гулистонга хабар берманглар (яъни бизга), ўғлимнинг иши жуда оғир, ҳаёли бўлинмасин, деб тайинладилар. Шу сабабли биз ўзимизча...

Ҳайратдан қотиб қолдим. Шунчалар ҳам аниқ айтиш мумкинми киши ўзи кўрмаган, тепасида бўлмаган воқеани...

— Ҳа, тинчлик эканми? — ҳаёлимни бонунинг товуши бузди. Мен эшитганларимни қайтардим.

Хуллас, эртасига эрталаб Самарқанд вилоят касалхонасига етиб бордик. Ҳозир ҳам кўз олдимга адамларнинг руҳий ҳолатлари (Худо раҳмат қилган бўлсин). Биз ҳовлидан бориб у киши ётган хонанинг деразасидан ичкарига кўз ташладик. Буни қарангки, улар ҳам деразага тикилганча ўтирган эканлар.

— Ана менинг тенгсиз дориларим, — дедилар ёнларидагиларга бизни кўрсатиб. — Дардларимга дармонларим келишди. Энди менга дўхтири ҳам, профессори ҳам керак эмас. Бўлди ҳозир чопқиллаб кетаман.

Раҳматли энтика-энтика ичкаридан чиқиб келди. Бизни қайноқ бағрига босганча сўзларди: «Исларингга бир тўйиб олсам бўлгани, мўмиё, асал ҳам керак эмас, ўзингга шукур, кўрсатганинга шукур...».

Бирдан ҳушёр тортдилар-да, сўрадилар:

— Мен ўйдагиларга тайинлаб эдим, сизларни безовта қилмасликни, ким айтди, қаердан билдингиз?

Бор гапни айтиб бердим.

Гулзор четидаги ўриндиққа бориб ўтирдик.

— Ростдан ҳам шундай бўлдими? — адамлар кўзларини катта-катта очиб, менга, сўнг бонуга тикилиб қарадилар. — Ё қудратингдан ўргилай, яратган Эгам! Кўнгли тўғри, нияти холис, покиза бандаларига шундай хислатлар насиб этади, деб эшитганим, ўқиганим бор. Минг бор шукур. — адамлар бирдан менга қараб ўта жиддий тусда давом этдилар. — Ҳа, мен бекорга қизимни отинойим деб атамайман. Бунинг маъносига энди тушунгандирсан. Тушунган бўлсанг, шунга қараб муомалада бўл, кўнглини ранжитма, ўқдингми.

Албатта, дедим. Лекин бу аломат ҳодиса қандай юз берди, сабаби, илдизи қаерда — орадан мана 30 йилга яқин вақт ўтибди-ки, бу саволлар мен учун ҳам, унга гувоҳ бўлганлар учун ҳам ҳамон жумбоқлигича қолиб келмоқда.

ФАРИШТАЛАР ОМИН ДЕРМИКИН...

«Тошкент ҳақиқати» газетасида ишлаб юрган йилларим шоир Назармат ака билан ният қилиб, ер олдик. Аста қурилишни ҳам бошладик. 4—5 йил деганда алибастр сувоғидан чиқардик. Шу ўртада мени Сирдарё вилоят газетасига ишга юборишди. Орадан қарийб 10 йил ўтгач, яна она шаҳримга қайтиб келдим. Участканинг эшик-ромлари, шипдаги фонеллари буялмай қолиб кетганди. Йиллар ўтди. Қизларимиз бирин-кетин бўй етиб келаяпти. Шунда гап уларнинг ўзидан чиқди. «Таътилда дам олишга кетаётганларингизда бизга керакли буюқларни олиб беринг, келгунларингизча улгурганимизча қўлдан чиқариб қўямиз» дейишди. Бир сафар ўзлари яшайдиган уйни қўлдан чиқаришди. Қарасак бинойидек. Келгуси йили бизнинг уйимизни бўяшди. Туппатузук.

Ким келса ғурур билан фарзандларимиз меҳнатини кўз-кўз қилдик. Бу орада йиллар ўтиб, катталари узатилиб кетди. Биз эса ҳамон мақтанишни қўймасдик. Афтидан бу гаплар қолган кичик қизларимизнинг иззат нафсига тегибди. Улар қилган ишни нима учун бизлар бажара олмаймиз, деб ўйлашган бўлишса керак. Иморатнинг буялмаган жойи — ҳовли ва кўча томондаги пештоқ қолганди. Навбатдаги таътилга тайёрланаётганимда улар ўз ниятларини айтишди. Керакли буюқлар, асбоб-анжомлар олиб бердик. Бу орада улар ишни бошлаб юборишди. Эртага Трусковецга учиб кетишим керак. Хизматдан барвақтроқ қайтдим. Ҳовлига киришдан олдин кўча томондаги пештоққа назар ташладим. Қай кўз билан кўрайки, симёғочдан тортилган электр симининг шу пештоққа яқин жойи устидаги қопламаси очилиб ётарди. Юрагим «шув» этиб кетди.

Хотиним ва қизларимни чақириб, электр симининг ўша ерини кўрсатдим.

— Негадир кўнглим чопмаяпти, жон қизларим, шу ишни тўхтатинглар, иморат пештоқи чала бўёғи билан қолақолсин.

— Нега энди, ёғочлар неча йиллардан бери офтоб тигида қақшаб ётибди. Хавотир олманг, ҳаммаси яхши бўлади.

Шунда мен кўнглим ғашлиги сабабини айтдим.

— Ишга маҳлиё бўлиб, ўтган-кетганларнинг «Ҳа, яшанглар, баракалла», деган кишини талтайтириб юборадиган сўзларини этишгач, ҳушёрлик йўқолади. Назаримда Наргиз симнинг очиқ ерини чангаллаб олаётгандек туюляпти.

— Хотиржам бўлинг, ҳушёрлик, ҳушёрлик ва яна ҳушёрлик кўрсатамиз, — дейишди маҳмадона қизларим.

Ҳориган эканман шекилли, тушликдан кейин бироз ором олай деган ниятда диванга чўзилдим. Кўзим кетиб қолибди. Туш кўрдим, қай тил билан айтайки, ҳозиргина қизларимга хавотир бўлиб айтган гапларимни тушимда яққол кўрдим. Наргиз (кенжатойимиз) пештоққа буюқ суртаётиб, электр симининг ўша очиқ жойини чангаллаб олганмиш, бор овози билан дод соляпти. Чўчиб уйғондим. Қай кўз билан кўрайки, худди шундай воқеа ҳаётда аслида бўлаётган экан. Ҳаммаёқни бақир-чақир тутиб кетган. Онаси ўзини ташлаб юборган. Наргиз нарвон устида, бир қўли билан ўша лаънати электр симида. Қўплашиб ажратиб олдик. Шу ўртада «Тез ёрдам» ҳам етиб келди. Наргизни тупроққа кумишди. Электр токи урганда шундай қилинаркан. Дўхтирлар чамаси бир соатлар қараб туришди. Сўнг касалхонага олиб кетишди.

— Хавотир олманг, 2-3 кундан кейин уйга қайтиб келади, — дейишди улар.

Ҳаётимда юз берган бу воқеа ҳам мен учун ҳамон жумбоқ. Тушда кўрганларим ҳаётда, ҳеч бир ўзгаришсиз, айнан такрорланишини ҳайрат билан эслаб юраман.

Исмоил СУЛАЙМОНОВ.

Спорт

Ўзбекистонлик кикбоксингчилар халқаро беллашувларда муваффақиятли қатнашмоқдалар. Ўтган йили Европа турнирида фаол қатнашиб совринли ўринларни эгалладилар. Яқинда Ўзбекистон жисмоний тарбия ва спорт қўмитасида голибларга совринлар топширилди.

Суратда: Ўзбекистон кикбоксингчилар устози Шокир Зокиров шогирдлари даврасида.

Алишер РИСҚИЕВ олган сурат.

Қутлов!

Ҳурматли Саидилҳом САИДРАҲМОНОВ!

Сизни муборак айём — таваллуд топган кунингиз билан чин дилдан муборакбод этамиз. Ажойиб раҳбарлик қобилиятингиз ва истеъдодингиз туфайли бизнинг улкан жамоамиз кейинги йилларда ҳар томонлама юксалиб, равнақ топиб бораяпти. Бундан буён ҳам яхши ниятлар йўлида бошлаган хайрли ишларингизни изчил давом эттириб. «Дўстлик уни»нинг шуҳратини ошириш, эл дастурхонини тўкин қилиш йўлидаги саъй-ҳаракатларингизга ривож тилаймиз. Жамоамиз ва оилангиз, фарзандларингиз бахтига доимо саломат бўлинг! Қалбингиз тўридаги барча орзу-ниятларингиз амалга ошаверсин.

«ДЎСТЛИК» ДОН МАҲСУЛОТЛАРИ ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ.

АДОЛАТ
Муассис: Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши

Бош муҳаррир: Тўхтамурод ТОШЕВ.

Таҳрир ҳайъати: Анвар ЖЎРАБОЕВ, Абдували ҒУЛОММАҲМУДОВ, Акмал ҚОСИМОВ, Абдурафиқ АҲАДОВ, Алижон ЮСУПОВ, Баҳодир УМИРЗОҚОВ, Жўра ЙЎЛДОШЕВ, Муқимжон ҚИРҒИЗБОЕВ, Мукаррамхон АЗИМОВА, Нажмиддин КОМИЛОВ, Рустам АҲМАДАЛИЕВ (масъул котиб), Турғунбой МАДИЁРОВ, Тўхтамурод ЖЎРАЕВ, Улуғбек ДОНИЁРОВ, Файзи ШОҲИСМОИЛ (Бош муҳаррир ўринбосари), Чоржау АБДИРОВ, Шуҳрат АЛИМАТОВ.

Телефонлар:
Қабулхона — 33-41-89, 36-55-70
Котибият — 36-57-93
Бўлимлар — 36-56-71
Реклама ва эълонлар — 36-58-44.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 140. Газета офсет усулида, А-2 форматда чоп этилди. Буюртма Г.— 0105

Навбатчи муҳаррир — А.ҲАҚБЕРДИЕВ. Навбатчи — Ҳ.ҚОДИРОВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, Тошкент-ГСП Матбуотчилар кўчаси-19.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

123456